

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САЊАТ ИНСТИТУТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

МУФТИ - ЗАДЕ ГУЛЧЕҲРА АНВАРОВНА

“УНУТИЛГАН БОЙЛИК”

(фермерлар ҳаётидан)

икки парда, олти кўринишли драма.

Ихтисослик: 5А 210207 – “Саҳна ва экран драматургияси”

Саҳна ва экран драматургияси магистри даражасини олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва
ҳимояга қўйилди.
«Санъатшунослик»
кафедраси мудири,
с.ф.н. проф. Икромов Ҳ.И.

Илмий раҳбар:
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган журналист,
драматург Э.Самандаров

« _____ » _____ 200__ й

ТОШКЕНТ – 2008 йил

М У Н Д А Р И Ж А

Асарнинг таҳлили.....3 бет.

Фойдаланилган адабиётлар.....22 бет.

Асарнинг тўлиқ матни.....24 бет.

АСАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

КИРИШ

“Мустақиллик биз учун буюк инъом, муқаддас неъматдир. Истиқлолни катта бойлик, ўзликни англаш, миллатни озод деб ҳис қилиши учун берилган беқиёс имконият деб билмоқ керак. Миллий ғурурни, миллий тафаккурни уйғотадиган, халқни – халқ, миллатни – миллат қиладиган ҳам мустақиллик. Ана шу ҳақиқатлар санъат воситалари орқали, бадиий образлар ёрдамида кишилар онгига етказилиши ва бизнинг кучимиз, энг аввало, маънавиятимизда эканлиги санъат асарларида теран ифода этилиши даркор”.

И.А.Каримов

Дарҳақиқат, маънавиятимизнинг юксалишида санъатнинг ўрни беқиёс даражада. Биз ўз кучимизни юксак маънавиятимиз орқали кўрсатмоқчи эканмиз, ҳар биримиз ҳаётда ўз образимизни ижобий қаҳрамон сифатида шакллантирмоғимиз керак.

Бизга маълумки, миллий ғояларимиз ичида “Бадиий ғоя” тушунчаси мавжуд. Инсон ва унинг маънавияти учун ушбу ғоя катта кўприк бўлса, ажабмас. “Бадиий ғоя” санъатга таянади. Яъни, барча ғоялар инсоннинг, энг аввало, онгига таъсир этса, “Бадиий ғоя” инсоннинг айнан қалбига таъсир этади. Санъат орқали қалбида эзгулик руҳи уйғонган инсоннинг онги ва тафаккури гўзал бўлади. Онг ва

тафаккуримизнинг мукамаллиги маънавиятимизнинг гултожидир.

Демак, маънавияти бой ҳалқнинг куч-қудрати беқиёс. Юксак маънавиятимиз муҳим бойлигимиз экан.

Ушбулар орқали демокчиманки, ер юзи моддий бойликларга тўла. Уни ҳар ким ўзлаштиришни истайди. Бойлик исканжаси эса ақлни фалаж қилади. Нафсни китиклайди. Барча эзгуликлар тарозида тортилади. Оқибатда нафс ортиб, ақл тораяди. Инсоният ваҳшийлашиб, маънавияти қашшоқлашиб боради. Демак, маънавият ҳам бойлик саналаркан-да? Аммо тўкин яшашга қаршилиқ йўқ. Мен шунчаки, ҳам моддий, ҳам маънавий кимсалар билан моддий бойликка эга, аммо маънавий қашшоқ кимсалар ўртасидаги фарқни назарда тутдим. Ва айнан мана шу фарқ, мен танлаган мавзунинг долзарблигини таъминлаб беради.

Мавзунинг долзарблиги

Танланган мавзунинг қанчалик долзарблиги унинг ғоясига қараб белгиланади. Асарда бош ғоя – бу инсон бахти-саодати фақат бойликда эмас, оила ҳамжиҳатлигида эканлиги, ота ва фарзандларнинг меҳр-муҳаббатга қурилган муносабатларида, ҳалоллик, тўғрилиқ, поклик фазилатларига эга бўлишдан иборат эканлигини бадиий таҳлил этиш, асар қаҳрамонлари ўртасидаги қарама-қаршилиқларни очиш орқали кўрсатишдир. Ушбу ғоя бугунги кунда ғоят қимматлидир. Сабаб, оиладаги ҳамжиҳатлик, айнан оила аъзоларининг бир-бирига бўлган муносабатлари мустаҳкамлигига таянади. Масалан: ота-бола, ака-ука, опа-

сингил, шунингдек, ота ва она в.ҳ. Ана шу оилавий муносабатлар орқали юзага келувчи ришталарнинг узилмаслигида инсон маънавияти катта роль ўйнайди.

Танланган мавзу бугунги куннинг қайноқ, барчани кизиқтирадиган, замоннинг дарди, ютуғи ва нуқсонларини ўзида жамлаган бўлиб, фермерлар ҳаётидан олинган. Бунда бош қаҳрамоннинг фермерлик фаолияти мисолида унинг оиласи ва оилада фарзандлар тарбияси масаласи биринчи ўринга чиқарилган. Асар воқеалари катта бир фермер хўжалиги ва шахсан фермернинг оиласи доирасида айланади. Шу сабаб, оилавий муносабатлар баробарида фермер хўжаликлари фаолиятини тўлиқ ўрганиб чиқишга ҳаракат қилинди.

Оддий ишчи, деҳқоннинг катта бир фермер даражасига етгунча босиб ўтган йўлларини бадийлаштириш ва яхлит асар ҳолатига келтириш учун юртимизда фаолият юритаётган учта фермер хўжалиги мисол қилиб олинди. Яъни, она Ватанимиз тараққиётига ўзининг беминнат улушини кўшиб келаётган Сурхон воҳасининг таниқли фермери Йўлдош Ҳожи Бердимуродов, фермерлик фаолиятини Пискент туманида юритиб келаётган Сафармат Каримов ва Қибрай тумани фаол фермерларидан хоразмлик Отаназар Қурбоновларнинг ҳаёт йўли, кечинмалари ҳамда характерлари асосида асардаги Қодирали образи яратилди.

Одамзод азалдан изланиб яшайди. Кимдир илм, кимдир муҳаббат, яна биров бойлик излайди. Нима бўлганида ҳам дилида умид учқуни бор одам излаганига албатта

эришади. Мен саволга тутган отахон фермерларнинг ҳаёт йўли ҳам ана шундай оғир машаққатлар, катта синовлар майдонида кечган. Умр йўллари шодлик ва бахт, қайғу ва изтироб бекатларида адашган. Ҳар бири ўз йўлини топгунча, қанча-қанча кўз ёшларида юзлари чайилган. Меҳнат ва машаққатларда қўллари қабарган.

Ана шу уч қаҳрамонимиз бугунги кун учун ибрат бўлиб, кексалигига қарамасдан, фарзандларига, ҳамқишлоқларига оқилона йўл кўрсатиб, мустақил мамлакатимиз равнақи учун муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Асар воқеалари таҳлили

Асарнинг мухтасар баёни шуки, воқеа вилоят қишлоқларининг бирида, бизнинг кунларимизда бўлиб ўтади. Асарнинг бош қаҳрамони Қодирали, суяги меҳнатда қотган деҳқон, ҳалол ва фидокор инсон. У узоқ йиллар колхозда тракторчи бўлиб ишлаган. Мустақиллик берган имкониятлардан фойдаланиб, катта миқдордаги ерни хусусийлаштириб олганидан кейин ундан юқори ҳосил олиш мақсадида туну кун қора терга ботиб ишлайди.

Вақти келиб, пахта, бугдой ва бошқа экинлардан юқори ҳосил олишга эришади. Ўз хўжалигига техника воситалари сотиб олади. Юк ва енгил машиналарга эга бўлади. Оиласи ҳар жиҳатдан тўкин ҳаёт кечири бошлайди.

“Кўрмаганнинг кўргани қурсин”, деганларидек, унинг

кенжа ўғли Равшанжон тез-тез шаҳарга қатнаш асносида кинғир йўлга кириб кетади. Бу ҳам етмаганидек, бўйи етган ёлғиз қизи Гулнора отасининг душманлари тузоғига илинади.

Қодирали мўмай пул топишга берилиб кетиш ва ўз фарзандлари тарбияси билан шуғулланмасликнинг оқибатлари нималарга олиб келишини кеч бўлса-да тушуниб етади ва фарзандларини тубанлик ботқоғидан қутқариш йўлида шафқатсиз курашади.

Бунга унинг энг ишонган иш бошқарувчиси Нурматнинг қилган кирдикорлари ва хиёвати туртки бўлади. Тўқликка шўхликнинг нималарга олиб келиши воқеалар орқали очиб берилади, асарнинг бадий қиммати ҳам ана шунда деб ҳисобланади.

Асар воқеларига кенгрок тўхталадиган бўлсак: биринчи парданинг биринчи кўриниши, бош қаҳрамон Қодиралининг ўйчан ҳолати билан бошланади. Шу кун у ўзининг эллик ёшлик юбилейини нишонлаган. Меҳмонларни кузатиб, ёлғиз қолган пайти. Бу пайтда у кўп ўйлайди. Авваллари ушбу кунни нишонлаш учун бир лаган ошнинг ўзи етарли эди. Ёнида рафиқаси, тиззасида болалари, иноқ бир оила эди. Қарасаки, энг бахтли онлари экан, ўша кезлар. Энди эса ёлғиз. Аммо шоҳона дастурхон тортилган. Мана шуларнинг бариси ким учунлигини ўйлаб эзилади.

Бу кунларга етгунча Қодиралининг оиласи оғир синовлардан ўтганди. Дала ишларида ҳаттоки беш ёшлик қизалоғи Гулноранинг ҳам қиладиган ишлари бор эди. Қодирали эса даланинг энг оғир юмушларини бажарар,

ҳисоб-китоб ишлари, техника ва бошқа ҳамма ишлар унинг зинмасида эди. Болалар куннинг иссиғига гоҳ чидар, гоҳида эса чидамас эди. Икки ўғил жажжи қўлчалари билан кетмон чопишарди. Кўп ишларга улгуриш мақсадида онаси болаларини аярди-ю, аммо ўз жонини аямасди. Баъзида эса тушликсиз жазирама офтобда ёлғиз ишлашга тўғри келарди. Ана шундай жон-фидоликлар оқибатида Қодирали рафиқасидан жуда эрта айрилади. Катта миқдордаги ер ва ёшгина полапонлари билан Қодирали ёлғиз қолади. Тош келса, кемиради, сув келса, симиради. Икки ўғил, бир қизга ҳам оталик, ҳам оналик қилади. Ўзи оч қолса ҳам болаларининг қорнини тўқлайди. Улардан ҳам айрилиб қолишдан кўрқади. Очликдан, меҳнатдан силласи қуриб вафот этган рафиқасининг руҳи ҳаққи қасам ичади. Болаларини ҳеч қачон оч қўймайди. Уларни ҳеч кимдан кам қилмайди, оиласи муҳтожлик кўрмайди. Қўлидан келган ҳамма ишни қилади ва сўзининг устидан чиқади ҳам. Йиллар ўтиб, Қодирали катта фермерга айланади. Нафақат маҳалла, балки бутун бир туман аҳлининг эътиборига тушади. Фарзандлари катта бўлиб, отасига елкадош бўлади. Катта ўғил Рустамжон университетни тамомлаб, тажриба орттириш учун чет элга кетади. Кичик ўғил Равшанжон энг нуфузли университетлардан бирида таҳсил олади. Кенжатой қиз Гулнора эса коллеж битирувчиси. Ота ўз фарзандларини ҳеч кимдан кам қилмаслик учун уларнинг оғзидан чиққанини муҳайё қилади. Болалар эса бунга кўникадилар. Улар ҳеч бир кийинчилик кўрмай, ўсиб-улғаядилар. Шунга қарамай Рустам

ўта ақлли ва ўта пишиқ, Гулнора эса онасига тортган бўлиб, камгап, содда, камтарин қиз бўлиб етишади. Уларнинг орасида Равшан бир оз шўх, қулоқсиз, лақмароқ бўлиб, отасини кўп куйдиргувчи фарзанд бўлиб етишади.

Қодирали ана шундай захматларни чекиб, фарзандларини ёлғиз катта қилади. У ўттиз олти ёшида ёлғиз қолади. Аммо уйланиш, болаларга янги она ахтариш хаёлига ҳам келмайди. Гарчанд, унга хотини уйланишни васият қилган бўлса ҳам. Кейинчалик ошна-оғайнилари уйланишни таклиф қилади. Қариган чоғида қийналиб қолишини уқтиришади. Ахийри улар Қодиралининг рози-ризалигига ҳам қарамай Зебо исмли жувон билан таништириб қўйишади.

Истарали, қадди-қомати келишган бу аёл Қодиралига ёқиш учун бор макрини ишга солади. Аёл кишини қаттиқ хурмат қилган Қодирали учун Зебонинг гўзаллиги иккинчи даражали эди. Зебодаги ақл, фаросат, болаларга бўлган меҳр, яхши-ёмон кунларида беминнат хизмат қилиш каби хислатлари уни ўзига тортади. Қолаверса, рафиқасининг васиятини ҳам адо этиш керак эди. Шуларни обдон ўйлаб, болалари жамланган бир кунда уларнинг олдидан ўтиб, ҳамманинг розилиги билан Зебога уйланиш ниятида юрган Қодирали мана бугун ёлғиз ва ўйчан. Шундай улуғ кунида фарзандлари ёнида эмас. Асарда воқеа ана шундан бошланади. Ота хаста қизидан умидвор эмас. Тўнғич ўғлининг телефон орқали қутлагани кўнглида ёнган чироқдек бўлди. Аммо кичик ўғли Равшандан дарак йўқлигидан ота ҳам хавотирда, ҳам жуда хафа эди. Аслида эса отасининг

таваллуд куни Равшаннинг хотирасидан кўтарилган. Ярим тун бўлишига қарамасдан пули тамом бўлган Равшан уйга келади. Келгач, вазиятдан бир оз хижолат бўлади. Бироқ ўта эрка ва енгил ҳаёт кечиришга ўрганиб қолган ўғил отасининг кўнглини олиш ўрнига дилини оғритади. Хонадонида бегона аёл (Зебо)ни кўриб, отасини марҳум онасининг руҳига нисбатан хиёнатда айблайди. Шунга ўхшаш тортишувлар натижасида Равшан отасига жаҳл қилиб, уйни тарк этади. Қодирали ўз фарзандидан эшитган ҳақоратларга чидай олмайди. Юраги ишдан чиқиб, касалхонага тушади.

Кейинги сахнада асардаги салбий қаҳрамонларнинг характерлари очилади. Қодирали касалхонадалигидан фойдаланиб, биз билган ўша “оқила” Зебонинг асл қиёфаси кўринади, яъни хаста қиз Гулноранинг ҳолидан хабар олиб турувчи бўлғуси меҳрибон она ниқоби остида Зебо Қодиралининг хонадонига жойлашиб олади.

Бундан ташқари, асарда Нурмат образи мавжуд. Ушбу образ асардаги барча фожиа ва кўнгилсизликларнинг сабабчиси сифатида гавдаланади. Қодиралининг касалхонадалиги ва унинг ёлғиз қизи Гулноранинг бетоблиги бу икки қаҳрамонларнинг қабих режаларининг амалга оширишида жуда қўл келади. Нурмат Қодиралининг иш юритувчиси бўлиб, ҳисоб-китоб ишлари ва бошқа ташкилий масалалар бўйича ўнг қўл вазифасини бажаради. Ўта ишонувчан ва соддадил фермер учун Нурматнинг арзимаган яхшилиги катта бир савобдек эди. Шу йўллар билан Нурмат Қодиралининг ишончига кирган ва Зебони ҳам унга

йўлиқтирган асли шу эди. Бу иккисининг нияти Қодиралининг давлати, ерларига эга бўлиш ўзини эса синдириш ва бадном қилиш эди. Ана шундай ғаразли мақсадлар йўлида Нурмат ўта пухта режа тузади. Бу режани амалга ошириш мақсадида кўп йиллар мобайнида тайёргарлик кўради. Баъзи режаларини ҳатто шериги Зебодан ҳам сир тутаяди. У дастлабки ишни фарзандларининг тарбиясига зуғум қилишдан бошлайди. Кичик ўғли Равшанни авраб, қинғир йўлга олиб киради. Уни аввал чекишга, кейин ичишга ва ахийри қора дори истъмол қилишга ўргатади. Бундай ҳаётга кўниккан бола секин-аста отасининг давлатини емира бошлайди. Бунга ҳам қаноат қилмаган Нурмат Қодиралининг ёлғиз қизи Гулноранинг номусини бадном қилиш пайига тушади ва шу йўл билан унинг отасини синдириш, эл-юрт олдида шарманда қилишга эришмоқчи бўлади. Бунга эришишда у қўл остида ишлайдиган йигирма икки ёшли Каримнинг Гулнорага бўлган муҳаббатидан фойдаланади ва бунга эришади ҳам. Қиз шўрлик кутилмаган бахтсизликдан эсанкираб, ақлдан озай дейди, ўзини ўлдирмоқчи бўлади. Буни эплай олмагач, ўзини гунгга чиқариб, хонасига кўмилиб олади. Нурматнинг берган ваъдаларига учган ва унинг қистовларига чидай олмаган Карим қилмишидан пушаймон бўлади. Кунлардан бир кун у Гулнорани кўргани келганида ажойиб манзаранинг гувоҳи бўлади. У Нурмат билан Зебонинг томошаси ва тузган режаларидан воқиф бўлади. Нурматнинг режалари орасида Карим ўзининг йўқ қилинишини эшитиб, қилган ишидан кеч

хулоса чиқаради. Юрагида Нурматга нисбатан адоват пайдо бўлади.

Отасининг бетоблигини эшитган Рустам чет элдан қайтади. Келгач, кўрган-эшитганларининг аламига чидай олмай, отасининг душманларидан бирма-бир ўч олишга киришади. Аммо у шошилмайди. Каримдан эшитганларини ўз кўзи билан кўриш учун Зебо ва Нурматнинг кетига тушади. Бу орада Қодирали касалхонадан тузалиб қайтади. Оила яна жамлангач, кичик ўғилдан хануз дарак йўқлиги, ёлғиз қизининг кун сайин оғирлашиб бораётгани отани яна эзади. Ўғлининг бу қадар бебошлиги сабабини ўйлай-ўйлай ахийри айбни ўзидан топади. Айби шу эдики, у фарзандларини енгил ҳаётга ўргатди. Нимани истасалар, мухайё қилди. Оқибатда болалар қийинчилик кўрмай ўсдилар. Бу тўкинлик қаердан ва кимнинг пешона тери эвазига келаётгани билан қизиқмадилар. Кейин эса исрофгарчилик бошланди. Аммо ота буларни кеч бўлса-да тушунди ва бунга Равшан билан отанинг учрашган куниданоқ кураш бошлаган эди. Равшан истаги учун рад жавобини эшитиб, кўтара олмади. Чунки шу кунга қадар унинг ҳар бир истаги бажариб келинган эди-да.

Зебонинг шу хонадонга бемалол келиб кетиши Рустамнинг ғашини келтирарди. Уни аёвсиз кесатикларга кўмиб ташлашини сезган Қодирали энг ақлли ўғлидан ҳам умид узади. Фарзандларининг устини буд, қорнини тўқ қиламан, деб уларнинг тарбиясига аҳамият бермаганлигини англайди. Хотинидан жуда эрта ажралгани, эркак киши ҳам

ота ва ҳам она бўла олмаслигини тушунади. Жуда қаттиқ афсуслар чекади.

Қодирали учун бу ҳали ҳаммаси эмас эди. Қишлоқ деҳқонларидан бирининг ташрифи Нурматнинг кирдикорларини очиб ташлайди. Бундан ташқари, асарнинг сўнгги кўринишларидан бирида Садоқат ва Қамбар образлари орқали асар қаҳрамони Қодиралининг қанчалик мард ва саховатли эканлиги очиб берилади.

Воқеага кўра, Садоқат эри Қамбарнинг зуғумларидан қочиб, етти ёшли ўғилчаси Давронжон билан Қодиралининг ерида ишлаш учун водий қишлоқларининг биридан келади. У жуда оққўнгил аёл бўлиб, ўзининг ҳалол, меҳнаткашлиги билан Қодиралининг эътиборига тушади. Қодирали бетоблигида уни ҳар хил доривор ўтлардан дамламалар тайёрлаб, даволайди. Шундан сўнг Қодиралининг кўнглида Садоқатга нисбатан қандайдир илиқлик пайдо бўлади. Садоқат ишлаб юриш жараёнида Қодиралига нисбатан кимнинг қандай муносабатда эканлигини билиб олади. Шунингдек, Нурматнинг баъзи қилмишларига ўзи билмаган ҳолда гувоҳ бўлиб қолади. Зокирхон исмли деҳқон ва Садоқатларнинг айтганларига кўра Нурматнинг қилмишлари фош этилади. Нурмат ўзини оқлай олмагач, шантаж йўлига ўтади. Яъни, Қодирали Нурмат ва Зебонинг шартларига кўнмаса, Равшаннинг гиёҳванд эканлиги ва уйни қорадори сақланувчи хонадон сифатида гувоҳлик беришини уқтиради. Шартга кўра, Нурмат ўз ота-боболаридан қолган ерларга эгалик қилиши ва Қодиралининг бор мол-давлати унинг

номига ўтиши керак бўлади. Булардан хабар топган Равшан Нурматни пичоқлаб ўлдиради. Бу ишларни қонуний йўл билан ҳал қилмоқчи бўлган Рустам синглиси, бутун оиласи шарманда бўлишидан чўчиган эди. Аммо ишни Равшан ноқонуний йўл билан адоғига етказди. Равшан қилган ишидан хурсанд ва қандай жазо белгиланса ҳам рози эди. Асар сўнгида фарзандлар қилган хатолари учун отасидан узр сўрайди. Бўлиб ўтган ишлардан эсанкираб қолган Қодирали тутган йўли, қилган ишлари нотўғри эканлигидан пушаймонлар қилиб, фарзандларига тўғри тарбия бера олмаганлиги учун эзилади. Яна у шундай хулоса қиладики, яхши яшаш учун нафақат моддий бойлик, балки маънавий бойлик ҳам керак эканлигини уқтиради.

Яқунга келиб, ҳар ким ўзига тегишли жазони олади.

(Қуйида баён этилган воқеаларга асос бўлувчи кичик воқеачалар асарни ўқиш жараёнида маълум бўлади.)

Асар қаҳрамонларининг характери

Асар қаҳрамонлари жами ўн бир кишини ташкил этади. Уларнинг ҳар бири қилмишига яраша турлича. Характер жиҳатидан такрорланмас. Қаҳрамонлар ёш жиҳатидан унчалик кекса эмас. Ўртача ҳисобда еттидан эликкача бўлган ёшларда. Ҳар бир персонажнинг ўзига хос тили бўлиб, улар индивидуаллаштирилган. Турлича характерларга эга бўлган қаҳрамонлар, ўзининг нутқи ва албатта, иши орқали феъл-атворининг аслида қандай эканлигини намоён этади.

Асар воқеаларига кўра, қаҳрамонлар икки гуруҳга бўлинади, яъни ижобий ва салбий. Ижобий қаҳрамонлар

сирасига Қодирали, Рустам, Гулнора, Карим, Садоқат, Зокирхон ва Давронжонлар кирса, салбий қаҳрамонлар каторида Нурмат, Зебо, Қамбар ва шу жумладан, Равшан образларини кўришимиз мумкин.

Асарда бош қаҳрамон сифатида Қодирали образи гавдаланади. Қодирали образи бугунги мураккаб ҳаёт жараёнида эришган ютуқлари ва йўл қўйган камчиликлари, бойлик, молу дунё деб фарзандлар тарбиясига эътиборсизлик қилгани ўқувчилар учун ҳам, томошабинлар учун ҳам ибратли образдир.

У характериға кўра, суяғи меҳнатда қотган, ҳаётда қандай ютуқларға эришган бўса, фақат ўзининг ҳалол меҳнати, пешона тери билан эришган тажрибали фермер. Замондошларининг, маҳалладошларининг унга бўлган ҳурмати фақат унинг фидокорона меҳнати, ҳалоллиғи, поклиғи ва иймонининг бутунлиғи учун. Бундай олиб караганда, Қодиралидаги саховатпешалик, бағрикенглик, ернинг тилини билиши, меҳнатдаги ютуқлари уни замонамиз қаҳрамони даражасига кўтаради. Аммо, ҳар тўқисда бир айб, деганларидек, Қодирали ҳам бенуқсон, идеал қаҳрамон эмас. Қодирали фарзандларини ҳеч нарсаға муҳтож қилмасликни бош мақсад қилиб, фарзандлар тарбиясини унутган. Шунинг оқибатида ҳатто отасининг таваллуд куни болалар хотирасидан кўтарилган.

Аммо асарда фарзандларни қоралаб бўлмайди. Улар ичида Рустам ва Гулнора ўзига хос ижобий қаҳрамон сифатида эътироф этилади.

Рустам образи — қатъиятли, бир сўзли, келишган, олий маълумотли, ишнинг кўзини биладиган, бир оз жиззакироқ, тили ўткир қаҳрамон сифатида асарда намоён бўлади. Бу Қодиралининг ишонган, суянган тўнғич ўғли. Рустам отасига меҳрибон бўлиб, укаси Равшанга ўрناق бўлишлик даражасидаги ака.

Характер жиҳатидан Рустамнинг тамомила акси бўлган Равшан — бетгачопар, кулоқсиз, безори бир йигит. У Қодиралининг кенжа ўғли. Эркатоӣ, маишатпараст, гўл, лакма, кибр-ҳаволи. Кўриниши жиҳатидан бақувват, гавдали, муштумзўр, шартаки, ўта замонавий, алламбало либослар киядиган олифталардан. У отасининг топганини бекорга совуришдан чарчамайди. Тенгқурлари орасида бойнинг ўғли сифатида ном қозониб, керилгани керилган. Аслида эса, Равшан бундай яралмаганлиги, унинг қонида ҳам отаси, онаси сингари соддадил инсонларнинг қони оқиб турганлиги сабаб, бир оз ғўрлик қилиб, Нурматнинг тузоғига илинади. Кейинчалик у қилган хатоси ва босган қадами нотўғри эканлигини кеч бўлса-да тушунади ва ўзига-ўзи жазо танлайди.

Шу сабабли бу қаҳрамонни салбий образ деб билишда бироз иккиланиш бўлади. Аммо унинг отасига қилган муомаласи ҳеч қайси қолипга тўғри келмайди.

Гулнора — уларнинг синглиси, Қодиралининг ёлғиз қизи бўлиб, отаси сингари оғир, босиқ феълли. Кўриниши жиҳатидан эса жуда гўзал, сочлари учун, қадди-қомати келишган, ўрта бўйли қиз. Асарда биз Гулнора образини

тушкунлик ботқоғига ботган, ҳаётдан умиди узилган ошиқ бир қиз сифатида кўрамиз. Бу образ орқали ўзбек оиласида ота ва қиз ўртасидаги ўта нозик муносабатларни кўрамиз. У бошига тушган кулфатларни фақат ўлим билан енгиш мумкин, деб ўйлайди. Ва ўзбек қизи учун бу ўта шармандалик деб ҳисоблаб, отасининг кўзидан нарироқ бўлишга интилади.

Асар воқеалари конфликтлар асосига қурилади. Конфликтлар эса асар қаҳрамонларининг турлича характерлари тўқнашуви асосида юзага келади. Демак, бадий асарнинг ижобий образлари бўлганидек, салбийлари ҳам мавжуд. Ана шундай салбий образлар тимсолида Нурмат образини кўришимиз мумкин. Нурмат образи Қодирали образининг акси бўлиб, у бировларнинг меҳнати эвазига яхши ҳаёт кечириш, бойлик орттириш йўлида ҳеч қандай қабихликлардан тап тортмайдиган манфур кимсалардан. Ўта муғомбирликни ўзига касб қилган ушбу образ жамиятимиздаги савоб устидан кулиб, гуноҳни ўзига маъқул кўрган баъзи кимсаларнинг юзига ойна бўлгувчи шахс сифатида ифодаланади. Ушбу қаҳрамонимиз кўринишига кўра, ўрта бўйли, тўладан келган, беистара киши. Унга шерик сифатида ҳамтовоғи Зебо — жуда гўзал, келишган, қош кўзлари сузук, кўринишидан иболи, хаёли, аслида эса ўта сурбет, ёшлик ғурури, қизлик иффатини мол-дунёга алмаштирган нозанин жазманлардан. У Қодиралининг ишончига тупуриб, Нурматнинг қўйнига киради.

Ижобий ва салбий образларни ёрқинроқ кўрсатиш учун кўшимча персонажлар ёрдамга келади. Баъзи персонажлар яхши ва ёмонлиги билан томошабин меҳрини қозонади. Яъни, кичик бир кўринишнинг ўзидаёқ томошабин меҳрини қозонади. Асарнинг сўнгги кўринишларидан бирида Қамбар ва Садоқат образлари ёрқинроқ кўринади. Яъни, Садоқат Қодиралининг хизматчиси — тиришқоқ, камгап, мулойим, ақлли, шу билан бирга, жуда чиройли жувон. У ҳаётга реал кўз билан қарагани билан кўнглида бўлаётган туғёнларини қилаётган ишларида, хатти-ҳаракатида ва кўз қарашларида ифода этади. Оддийгина хизматчи аёл ҳамда қиморбоз эри бўлишига қарамай ўз хўжайини Қодиралига ғойибона меҳр кўяди ва уни ўзича асрашга, авайлашга, ғамхўрлик қилишга интилади. Асар сўнгида бунга эришади ҳам. Ушбу образ орқали ҳақиқий ўзбек аёлининг қанчалик бардошли, шунингдек, оқила эканлиги кўринади. Унинг эри Қамбар — қиморбоз, банги, хотини ва боласини пулга чақиб, борини қиморга тикиб юрувчи юзтубан одам. Бугунги кунимизда шу ва шунга ўхшаш юқорида кўрсатилган манфур кимсаларнинг мавжудлиги учун бу каби асарлар яратилаверади. Улардан тегишли ва оқилона хулосалар чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

Бадий яхлитлик

Асардаги турли хил характерларнинг тўқнашуви натижасида томошалар юзага келган. Табиийки, кўзимиз кўриб турган ҳар қанақанги воқеа ҳам томоша бўла олмайди. Ҳақиқий томошада эса, албатта, конфликт ва ечим бўлиши

шарт. Асар воқеаларига кўра, қаҳрамонларнинг характеридаги қарама-қаршиликлар конфликтнинг ортишига сабаб бўлади. Масалан, биринчи парданинг илк кўринишидаги ота ва ўғил саҳнасини олайлик. Унга кўра икки хил характерга эга икки образ тўқнаш келади. Яъни, Қодирали қанчалик оғир, босиқ бўлишига қарамай нонкўр ўғли Равшаннинг олдида ўзини босиб туrolмайди. Ҳеч қачон “йўқ”, демаган эрка ўғлига илк бора рад жавобини беради. Айтгани-айтган бўлиб келган ўғлининг эса бундан жазаваси кўзийди. Натижада жанжал юзага келади. Характерлар ўзгаради ва тўқнаш келади. Асардаги драматизм кучаяди. Кофликт мана шу ердан бошланади.

Ана шундай тўқнашувлардан яна бири бу — ака ва ука (Равшан ва Рустам)нинг суҳбати...

Асардаги бош қаҳрамоннинг хоҳиш-истаклари, орзу умидларига қарши борувчи бошқа образлар, яъни Нурмат ва Зебо образлари характери жиҳатидан тамомила бошқача. Қодиралининг содда, ишонувчан ва бағрикенглигидан фойдаланган Нурмат турли нопок йўллар билан фермерни синдириш ниятида. Драманинг конфликтни ана шу икки кутб вакиллари ўрталаридаги яширин кураш орқали ифодаланади. Конфликтлар кучайиб бориб, кульминацион нуқтага етади ва аста-секинлик билан воқеалар ривожини асосида ечим кўринади.

Асарда конфликтни очиб бериш учун ёрдамчи куч сифатида Зокирхон, Садоқат ва Карим образлари киритилган.

Оддий бир деҳқоннинг арзи ва Садоқат ҳамда Каримнинг ёрилиши натижасида Нурмат ва Зебонинг кирдикорлари очилиб ташланади. Натижада кульминация юзага келади ва воқеалар аста-секин ўз ечимини топа бошлайди.

Хулоса

Хулоса шуки, юксак маънавиятимизни қадрлаш ва уни келажакка етказиш ҳар биримизнинг бурчимиз. Бу вазифани ҳар ким ўзлигидан келиб чиқиб, ўз касби, қилаётган ишлари, яратаётган кашфиётлари орқали сидқи дилдан адо этмоғи керак. Биз ҳам, яъни санъат аҳли, ўз соҳамиздан келиб чиққан ҳолда миллий маданиятимиз ва бебаҳо қадриятларимизни софлигича замондошларимиз, қолаверса, келажакка етказишимиз лозим. Ёзаётган шеърларимиз, яратаётган асарларимиздаги бадиий образлар орқали киши қалбига кириб борувчи ва унда абадий муҳрланиб қолувчи маънавий бойлик тушунчаси уруғини сепайлик.

Демокчиманки, пьесадаги у қадар идеал қаҳрамон бўлмаса-да, Қодирали сингари қалби пок, иймони бутун инсонлар жамиятимизда кўпайиб, унинг қилган хатоларини такрор этмай ўзлари учун тегишли хулоса чиқарсинлар.

Токи, жамиятимизда Нурматдек бадфеъл кимсалар бор экан, поклик ва нопоклик ўртасида олишув давом этаверади. Эзгулик чашмаси лойқаланаверади.

Бундан ташқари, юртимиз хонадонларида оилавий ҳамжиҳатлик, ота-она ва фарзанд муносабатлари долзарблигича қолаверади. Менинг наздимда, бунинг ягона

йўли шуки, ёш авлоднинг кўнглида маънавиятга меҳр уйғотиш.

“Бугунги кун ёшлари китоб ўқимай қўйган”, деган гаплар кўп бўлмоқда. Бу тўғри, албатта. Аммо, бу гапларга қўшилишнинг ўзи билан иш битмайди. Демак, ўқишни истамаган ёшларни тарбиялаш, хусусан, ибратомуз томошаларга жалб қилиш керак. Театр сахналарида қўйилаётган спектаклларда ҳар қандай ёшдаги томошабин учун айтилажак сўз ва ўртак бўларли ҳақиқатлар бор.

Шу сабаб, санъат аҳли ва биз сингари ёш қаламкашлардан яхши асарлар яратиш талаб этилади.

Мен ҳам ана шу масъулиятни ҳис этган ҳолда, магистратура босқичидан ўтиш жараёнида драматургия сирларини пухта эгаллашга ҳаракат қилдим. Икки йиллик таълим жараёнида ушбу асарни яратишга муваффақ бўлдим.

Асар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Драматургия кенгаши муҳокамасидан ўтказилди. Ва Кенгаш қарорига кўра сахналаштириш учун театрларга тавсия этилди.

Диссертация сўнгида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Драматургия кенгаши муҳокамасининг баённомасидан кўчирма ҳамда асарнинг тўлиқ матни илова қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

I. Фармонлар, қарорлар, методологик манбалар.

1. «Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 1998, 26 март.
2. И.А.Каримов. “Миллий театримиз – ифтихоримиз”. Президентнинг 2001 йил 30 августда Тошкент шаҳрида Академик драма театри янги биносининг очилиши маросимида сўзлаган нутқи.

II. Китоблар, тўпламлар.

3. “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”. – Т.: “Адолат”, 1999.
4. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси 25 май 2000 йил 69-II-сон қонуни.
5. И.А.Каримов. “Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда”, Т.: Ўзбекистон, 1992.
6. И.А.Каримов. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.: Ўзбекистон, 1996.
7. И.А.Каримов. “Маънавий юксалиш йўлида”, Т.: Ўзбекистон, - 1998, 433-б.
8. И.А.Каримов. “Халқимизнинг йўли мустақиллик, озодлик ва туб ислохотлар йўлидир”, Т.: Ўзбекистон, 1996, 155-б.
9. И.А.Каримов. “Истиқлол ва маънавият”, Т.: Ўзбекистон, - 1994.
10. Аристотель. “Поэтика”, Т.: Адабиёт ва санъат, 1980.

11. А.Қаҳҳор. Т.: Адабиёт ва санъат, 1988.
12. Белинский. “О драме и театре”, М.: 1949.
13. Гальдони К. М.: “Художественная литература”, 1949.
14. Гёте. «Фауст», Т.: Адабиёт ва санъат, 1974.
15. Иззат Султон. «Адабиёт назарияси», Т.: Ўзбекистон, - 1980, 391-б.
16. Лессинг. «Гамбургская драматургия».
17. Шекспир. 5 том. Т.: Адабиёт санъат, 1981.
18. Шиллер. “Макр ва муҳаббат”, Т.: 1985.
19. Ҳ.Абдусаматов. «Драма назарияси», Т.: Адабиёт ва санъат, 2000.
20. Ҳ.Расул. “Драматургия маҳорати асослари”, Дастур, - 2005.

ГУЛЧЕҲРА МУФТИЗОДА

«УНУТИЛГАН БОЙЛИК»

(фермерлар ҳаётидан)

икки парда, олти кўринишли драма

Тошкент - 2008 йил

Қ А Т Н А Ш У В Ч И Л А Р :

<i>Қодирали</i>	<i>фермер, ота 50 ёшда.</i>
<i>Рустам</i>	<i>Қодиралининг катта ўғли 25 ёшда.</i>
<i>Равшан</i>	<i>Қодиралининг кичик ўғли 22 ёшда.</i>
<i>Гулнора</i>	<i>Қодиралининг қизи 19 ёшда.</i>
<i>Нурмат</i>	<i>Қодиралининг иш юритувчиси 40 ёшда.</i>
<i>Зебо</i>	<i>Нурматнинг ҳамтовоғи 35 ёшда.</i>
<i>Карим</i>	<i>Гулноранинг севгилиси 22 ёшда.</i>
<i>Садоқат</i>	<i>ишчи аёл 30 ёшда.</i>
<i>Қамбар</i>	<i>Садоқатнинг эри 40 ёшда.</i>
<i>Давронжон</i>	<i>Садоқатнинг ўғли 7 ёшда.</i>
<i>Зокирхон</i>	<i>деҳқон 45 ёшда.</i>

БИРИНЧИ ПАРДА.

Биринчи кўриниш.

“Мен дунёда нима топдим? Пул топдим-у, қадр топмадим”

(Ҳашаматли уйнинг кенг ва замонавий ҳовлиси. Орқа фонда устунлари гуллар билан ўралган баланд айвон. Айвон ортида тўлин ой кенг қоронғуликни бир оз ёритиб турибди. Ярим тун. Ҳовлининг қоқ ўртасид, усти беҳисоб чинни идишлару, бўйни узун бўш шишалар ва ярим-ёрти қадаҳларга тўла узун стол. Айвон пештоқига Қодиралининг 50 ёшлик юбилейини англатувчи катта портрети илинган. Ҳамма ёқ пала-партиш ҳолатда. Саҳнанинг у ер бу ерида ранг-баранг шарлар ва бўш баклашкалар кўринади. Бир чеккада эса катта экранли телевизор, DVD, магнитофон ва ҳоказолар. Буларнинг қаршисида юмшоқ мебель ва ёнида телефон ўрнатилган кичик стол. Еб-ичишдан чарчаган Нурмат юмшоқ ўриндиқда ярим чала ётган ҳолда хуррак отмоқда. Боши эса телефон столи устида. Ора-орада ичкаридан идиш-товоқларнинг тақир-туқури эшитилади. Саҳнада ёлғиз Қодирали. Ордон медалларга тўла костюми осилган стулга суялган ҳолда ўйчан турибди. Нимадандир безовта. Сукунатни ҳар хил овозлар бузади. Қизгин давра, қадаҳларнинг жаранги, эркакларнинг кулги садолари ва ҳ.к. Булар Қодиралининг бугунги кечада қулоғида қолиб кетган овозлар эди.)

Биринчи овоз – Эҳ! Қодирали. Дўстим. Мингга кир, илоҳим. Худо хоҳласа яна 50 йилдан кейин 100 ёшингни ҳам мана шунақа нишонлайлик. Э, керак бўлса бундан ҳам дабдабалироқ қилиб нишонлаймиз.

Иккинчи овоз – Э, Қодир, агар шу кетишинг бўлса-чи, яна 50 йилдан кейин мана-ман деган фермерлар ҳам сенинг хизматингда бўлади. Омадингни берсин, дўстим. Қани олдик.

(Қадаҳлар жаранги, эркаклар гала-говури.)

Учинчи овоз – Қайдам-ов, 50 йилдан кейин бизда куч қолармикан.
Агар фарзанд яхши чиқса, белингни қуввати шу.
Агар ёмон чиқса, шўрингга тўкилган шўрва шу-да.

(Ўзаро кулги эшитилади, Қодирали нари-бери юра бошлайди.)

Иккинчи овоз – Бу дейман, дўстим, шундай улуғ кунингизда
ўғилтойларингиз кўринмайди. Агар ҳалитдан шу
бўлса, ҳали Аскар айтмоқчи шўрва ичгани
келмайлик яна. А? *(Яна кулги.)*

Биринчи овоз – Э, нима бўлгандаям, қариган чоғингда
фарзандингдан ҳам хотининг ёнингда бўлсин!
Унақа десам, Қодир ўртоқ ҳалиям бўйдоқсан.
Шунча йил хотинингга аза тутиб юрдинг. Тўғри,
худо раҳмат қилсин, хотининг тилла аёл эди. Эл
кўзи учун ҳам, бошқа учун ҳам шунча юрдинг, етар
энди. Ана ўзингга мосини топиб ҳам бердик.
Зебохон ёмон жувон эмас. Бунинг устига сенда
кўнгли бор. Қара, индамай хизматингни қилиб
юрибди. Пинхона учрашувларни бас қилинг энди,
йигит. Одамлар нима дейди? Шартта никохингга ол
қўй. Э-эй! Ҳозир билинмайди. Кейин қийин
бўлади, кейин...

(Эркаклар қитмирона кулги қилишади. Овозлар буткул тинади.

*Боши говлаган Қодирали бўш ўриндиқлардан бирига ўтиради.
Ичкаридан тиллага бурканган дўндиққина Зебо қўлида патнис билан
чиқади. Белида эса фартук. Сигарет тутатишига шайланган
Қодирали бирдан унга ўгирилади.)*

Қодирали – Ия! Зебохон, келинг! Сиз шу ердамидингиз? Мен
сизни дурустроқ кузата олмадим, деб ҳижолат
бўлиб тургандим. *(Зебо столни бир четдан
йигишига тушади.)*

Зебо – Жуда қизиксизда. Шунча ишни бир ўзингизга қўйиб кетаманми? Бунинг устига қизингизни тоби йўқлигини билатуриб...

(Зебо зимдан Қодиралига қараб қўйиб, сўнг гапида давом этади.)

Бу ёғи инсофдан бўлмаса керак, дедим.

Қодирали – Э, яшанг, Зебохон. Раҳмат, раҳмат. Фақат сиз уринманг. Эрта тонгда Садоқатхон келиб йиғиб, жойлайди.

Зебо – Садоқатхон индамай кетиб юбордилар. Бизга қаттиқ ишондилар шекилли, дедим...

Қодирали – Йўқ. Бугун энди, шунча эркак йиғилган жойда, бева аёл, сал кўздан нари бўлгани яхши, деб эртарок жавоб бериб юборибман. Бунинг устига боласи ёш, даланинг ишини ҳам қилади. Чарчагандир. Шўрлик жуда яхши аёл. Миқ этмай ишлайди.

Зебо – Бу аёл қаердан келган?

Қодирали – Фарғонадан.

Зебо – Эри бормикан?

Қодирали – Бор экан.

Зебо – Анчадан бери сизда ишлайдимми?

Қодирали – Бир йилча бўлиб қолди. Аммо шу вақтнинг ичида ишончимизга кирди. Яхши ишлайди. Ўзи ҳам ақлли-фаросатлигина. Ўғилчаси ҳам меҳнаткаш. Шу-у, қизим ётиб қолгандан бери ҳовли юмушларига ҳам келиб қарашиб кетади. *(Зебо ҳайрон.)*

Зебо – Ҳа-а, шунақа денг. Қизик, агар эри бўлса, бу ерларда нима қилиб юрган экан? Анча кўхликкина аёл. Бунақа чиройли аёллар кўчада қолишмайди-ку?

Қодирали – Эҳ, Зебохон. Бунақанги аёллар сон-мингта. Кўча кезиб, ризқини териб юрганлари-чи. Ҳаттоки, меҳнатдан қочиб, чиройини пуллаб юрганлари ҳам бор-да. Мени қойил қолдиргани, шундай гўзал аёл, нозик қўллари билан баъзи эркаклар қила олмайдиган ишларни қойиллатиб бажаришида. Ер ағдаради, кетмон чопади, ариқ олади, сув тарайди. Бу ишларни ҳамма аёллар ҳам қила олмайди. *(Зебонинг энсаси қотади.)*

Зебо – Ҳа, тўғри. Аммо бугунги кунда ҳаммага ҳам ишонавериш яхши эмас.

Қодирали – Нимасини айтасиз, Зебохон. Ақлингизга балли. Мана ўтган йил. Садоқатхон яшаётган хужрада бир аёл икки ўғли билан яшар эди. Ишлаймиз, деб келишди. Хўп дедим, ер бердим, уруғ бердим, техника, сув, турар жой, озиқ-овқат. Нима сўраса, бердим. Ҳосил етилгач, хирмонни пуллаб, қочиб қолишди. Нонкўрлар. Мен қидириб топа олмадим. Куйганимча қолдим. Зебохон, бу борада ҳақсиз. Аммо негадир Садоқатхондан кўнглим тўқ. Бирор нарсага беруҳсат қўл ҳам теккизмайди. Хуллас, ёмонлик қиладиган аёлга ўхшамайди. Энди, сиз кўп уринманг, қолган ишни қўйинг. *(Зебо раишқини аранг босади.)*

Зебо – Ҳечқиси йўқ. Шуям иш бўлибдимми...

(Зебо патнисни кўтариб кетаётиб, телефон қучоқлаб ухлаётган Нурматга кўзи тушади. Сўнг уни имлаб Қодиралига кўрсатади. Шу пайт тўсатдан телефон жириглайди. Нурмат сапчиб туради. Зебо хо-ҳолаб кулади. Юраги ёрилган Нурмат ширакайф ҳолда довдирай бошлайди.)

Зебо – Оббо-о, Нурмат ака-ей! Ёстиқниям чертиб-чертиб танлабсизда-а?

(Зебо кула-кула ичкарига киради. Нурмат гандираклаганча узрини айтиб, чиқмоқчи бўлади. Қодирали гўшакни кўтаради.)

Қодирали – Алло-о? Рустам, сенмисан? Э, ва алайкум, ўғлим. Ҳозир, ўғлим. *(Нурматга)* Эй-эй сенга керак жой бу томонда.

(Қодирали Нурматни кетаётган йўлидан қайтаради, сўнг яна гапида давом этади.)

Йўқ, сенга эмас, Нурмат акангга гапирдим. Ўзинг яхшимисан? Тинчмисан? Ҳа. Йўқ. Ҳамма тарқалган. Нурмат аканг, холос. Э, раҳмат, болам, сени ҳам етказсин. Хурсандман, болам. Овозингни эшитиб, янаям хурсанд бўлдим. Нима? А-худо хоҳласа оз қолди, чида, болам. Биздан ҳавотир олма. Биз яхши юрибмиз. Ҳа, ҳаммамиз яхшимиз. Ҳа, ишлар бўляпти. Ёмғир жуда кўп бўлди. Ерлар лой, техника кира олмаяпти. Ҳа! Худо хоҳласа сен олиб келган техника албатта қўл келади. Хўш, мен айтган ишлар нима бўлди? Нима? Ҳозир кетяпман? Ия, болам, ярим кечаси-я? А? Нима? Э-э, шунақа дегин. Сизларда туш пайтими? Шу сени Германиядалигинг ҳадеб эсимдан чиқиб қолаверади-да. Худди кўшни вилоятларда юргандек бўлаверасан. Ҳа, техникани обдон текшириб ол. Кейин ўзиниг яхшилаб ишлатишни ўрган. Келгандан сўнг ишчиларга ўзинг ўргатасан. Ўта пишиқ бўл, болам, ўта пухта бўл. Хўп. Яхши, болам. Мен пулни жўнатаман. Эртага бориб, ол. Хўп, омон бўл болам.

(Қодиралининг кайфияти бироз кўтарилади. Радио телефон гўшагини жойига элтиб қўяди. Саҳнага кичик ўғил Равшанбек кириб келади. Эғнида антиқа суратли кийимлар, бўйнида ялтироқ занжир, қўлида уяли телефон. Атрофга ҳайрон бўлиб қарайди.)

Равшан – Соллоликум.

Қодирали – Ия, келинг шаҳаллув. Уйингиз боракан-а?

Равшан – Вой, ада, энди сиз шунақа диманг. А так тинчлувми, ҳамма ёғ ясатилган. Бу дийман-а паҳан! Ахийри уйланволдизми, дийман.

Қодирали – Э-э, яшанг, ота ўғил. Шунақа гапларингиз мани ажалимдан 5 кун бурун ўлдиради-да.

(Равшан тепадаги катта сувратга кўзи тушади.)

Равшан – Вой, ада, а так узр. Ўқиш, иш билан бўлиб, сал эсимдан чиқибди.

Қодирали – А, сенга қийин. Яхшиям Тошкентда ўқийсан. Агар худо уриб, чет элда ўқисанг, ўша ернинг фуқаролигига ўтаркансан-да.

Равшан – Уф-ф. Ровшан, нега келдинг ўзи? Шу учун ҳам уйга кегим кемиди-де. А так силани соғиниб келудим ада.

Қодирали – Бизни соғиниб, ярим кечаси келасанми? Сал мундоқ кундузироқ келсанг, ўласанми? Ўзи қаерларда юрибсан? Э, ҳеч бўлмаса, тирикман. деб телефон қилиб тур.

Равшан – Бошшланди!

(Равшан стол устидан энг сара олмани танлаб олади. Сўнг юмшоқ мебель устига ўтириб, карсиллатиб ея бошлайди.)

Қодирали – Эй, менга қара, мунчаям боқи-беғам чиқдинг. Шунчалик отангни туғилган куни эсингдан чиққан экан, ҳеч бўлмаса, онангнинг ўлган куни

эсингдадир. Жа бўлмаса, синглингдан ҳабар олгани келсанг бўлмайдимми?

Равшан – Вой, ада, намунча жанжал қиласиз? Худди разборшиклага ўхшисиз-а. Сийнимга нима қипти?

Қодирали – Нима бўпди эмиш. Кўрсанг, биласан-да. Синглингнинг бир дарди бор. Икки ойдан бери на гапиради, на ҳовлига чиқади. Кошки сенларга ҳам ота, ҳам она бўлиш осон бўлса, менга.

Равшан – Вой, ада, эзвордиз кароччи. Гаппи чўзиб нима қиласиз? Уйлангиз кевотган бўса уйланинг. Мазгини қотириб, нима қиласиз? Сийнимга кесов, даволатинг, пулиз бору, яна нима ғам?

Қодирали – Падарингга минг лаънат, сендақа боланинг.

Равшан – Вой, ада (*кулади*), падарим сизу.

Қодирали – Э, сенга падар бўлгандан ҳарна бўлганим яхши. Сен кимга тортдинг ўзи. Мунча куйдирасан.

Равшан – Қўшнизга.

Қодирали – Нима? Э, бетинг курсин. Акангга ўхшасанг, бўлмайдимми?

Равшан – Бўлди-да энди. Ошманг ада. Биламан, ўша котта эркатоийззи яхши кўрасиз. Кароччи, пулли ҳадип ўша любимчигизга жўнатуврми, биззиям сал ўйланг. Манам болейзман. Оғайниларимми ҳаммаси ЛАСЕТТИ, миниб юришибди. НЕКСИЯ жонга тегди, мангаям ЛАСЕТТИ керак.

Қодирали – Балки ЖИП керакдир.

Равшан – ЖИП. (*Кўзлари ёниб, илжаяди.*) Вой ўзимми адажонимдан, жипиззи бермоқчимисиз?

Қодирали – Пиёда юрасан. Автобусда қатнайсан. Тушундингми?

- Равшан – Тушунмадим. Кимсан, эл билган Қодиралининг ўғли Ровшанбек аффтобус кутиб бекатда турса (*Кулади*).
- Қодирали – Жа-а, бўладиган гап-да. Кимсан Равшанбекни дадаси Қодирали бу кунларга етгунча бекатларда автобус пойлаб, умри ўтган. Ҳечқиси йўқ, кўникиб кетасан. Жа бўлмаса, неқсиянинг қадрига етасан. Бор, кириб ухла!
- Равшан – Вой, ада, а так билардим, шунақа қаттимлигиззи.
- Қодирали – Эй ношукур. Ким эдинг, ким бўлдинг. 10 йил олдин уйимизда тириллаган эски трактордан бошқа ҳеч нарса йўқ эди-ку. Онанг шўрлик сенларни белига бойлаб ишлайман, деб далада офтоб уриб, ўлиб кетди. Онангнинг руҳи чирқирамасин. Менга осонми, сенларни кўнглинг ўксимасин деб ёлғиз катта қилаётган бўлсам...
- Равшан – Вой-вў-ў. Ада бўлдимми? Жа-а, бўми кетибди-де. А уйланинг, дидиму. Битта зўрини топинг-де, уйланинг. Фақат, ану уйга келиб юрадиган, боридию, шудгор қўриқчисига ўхшаган. Ўшангамас-де.
- Қодирали – Ўчир овозингни. Оғзингга қараб гапир.
(Қодирали ичкарини имлаб кўрсатиб, қўлини мушт қилиб чаккасига уради.)
- Равшан – Э-э, ҳали шу ердаларми? Айтдим-а бу ҳалигача чироқла ёниқ. Ҳалақит қиппиз-де.
- Қодирали – Юм оғзингни. Ҳеч ким уйланаман, деб ўлиб тургани йўқ. Қолаверса сенга ўхшаганларга она бўламан, деб ҳеч кимни кўзи учмаяпти. Бировдан кам бўлманглар, оилада ҳамма нарса бекаму кўст бўлсин, деб шу ишларни кетидан қувдим. Пул топиб, давлат орттираман, деб сенларни ўз

ҳолингга қўйибман. Ўз ақл-фаросатларингга ишонибман. Мана энди тушуняпман. Аслида, сенларни ишлатиб, одам қилсам бўлар экан. Минг афсус, бу менга энди армон бўлиб қолди. Минг афсус.

Равшан – Бале-бале, адажон. Балиқ бошидан сасийди, деган экан машойихлар.

Қодирали – Йўғе, шундай дейишибдими? Ўзингники ўзагингни кесар ҳам дейишган. Тур, йўқол кўзимдан! Сендақа ўзак кесар фарзанднинг боридан йўғи... Йўқол!

Равшан – Бўлди, бас. Индамаган сари. Ярим тунда келиб, тинчиззи бузганимга шунчалик қивосми? Ёки ҳар кимдан қолган ўша манжалақи мандан устун бўлдимми? Майли кетаман. Хоҳласайиз қайтмас бўлиб кетаман. Сила бемаллол мана бу қошонайизда айшиззи сураверинг. Фақат айтиб қўйинг, онамми идиш-товоғига ҳаром қўлини теккизмасин. Акс ҳолда чатоқ бўлади, адажон...

(Равшан шашт билан уйдан чиқиб кетади. Қодирали жаҳл устида костюмини ўзининг суратига қарата отади. Сурат ерга тушади. Қодирали бўшашиб, стол устига зилдек бошини қўйганча қотади. Тамшаниб Нурмат чиқади. Кайфи тарқамаган Нурмат қандайдир овозларни эшитгандек ҳайрон бўлиб, Қодиралига қарайди. Сўнг елка қисади. Кетишга шайланади. Костюмини қўлига олиб, киймоқчи бўлади. Ўнги терс бўлиб қолган костюмининг енгини топа олмай, думини йўқотган итдек тинмай айланади. Ахийри боши айланиб йиқилади. Ўрнидан туриб, Қодиралига ялтоқлана бошлайди.)

Нурмат – Ие, Қодирали ака. Кў-ў-п нарсага қодир акам. Сиз кўп ишга қодирсиз. Манчи-и, сиззи ж-жуда яхши кўраман, акам. Рост. Сиз ман учун биласизми кимсиз? Сиз мисоли бир...(Қўлларини кўтариб,

кўкка қарайди) банксиз, борр-у-у. Швейцарский банксиз. Сиззи ичиз тўла пул, (Нурмат томошабинга юзланади). Аммо мани ичим тўла дард. Э, ўзиям-чи кўкисиз, кўм-кўксиз. Сиззи туришиз доллару, акам. Э, акам деганману сиззи отам. Айтайми, яна нимасиз. Сейфсиз. Сиззи очадиган калит ясалмаганда шу. Ичиздагини ташқарига чиқармайсиз. Ў-ў-ў, сизга не-не калитлар суқилмади. Қойил, акам, шунақа маҳкам бўлинг. Ман сиз учун жонимниям беришга тайёрман. Сиз сўранг, мандан битта жон нақд.

(Нурмат Қодиралининг ёнига бориб чўккалаб олади.)

Вой, нега хомушсиз акам? Ёки бугунги тўйиз ёқмадимми? Агар хоҳласангиз, бошқатдан қиламиз. Бунданам зўр қиламиз. Ҳаммани орқага қайтарамиз. Эй, ман-чи сиз учун ҳамма нарсага тайёрман. Анави ошналариззи ҳаммаси тилида сайрагани билан-чи, сиззи бойлигизни кўролмайди. Мана масалан, анави нимаиди, дўндиққина хотинчаси билан келди-ку, Ҳасанбоймиди? Сиз билан сўрашяпти-ю, аммо икки кўзи хотининики билан тўртта бўлиб, келинойим бўлмиш Зебо опамни бўйинларини тўлдириб турган тиллаларда. Аммо хотини чакки, эмас ўлгурнинг. Эй, барибир Зебохонга етолмайди, тўғрими? Келинойижон. Келинойи, қаердасиз? Мен сиз билан бугун ўйнолмадим. Келинг, бир рақсга тушайлик.

*(Нурмат атрофга айланиб, Зебони излайди ва мусиқани баланд қўйиб, мастликда хаёлан Зебо билан рақсга тушади. Қўшиқ янграйди:
Даврага тушган гўзал,
Нигохинг куйлар газал.*

Даврага тушган гўзал...

Нурмат аранг кийган костюмини яна ечиб, улоқтиради ва мусиқа ритмларига мос тушмаган ҳолда мадори етганча ўйнайди. Ҳолдан тойиб, бориб ўзини юмшоқ ўриндиққа ташлайди. Мусиқанинг баланд овозига Зебо чиқади. Югуриб бориб пульта олиб, ҳамма тугмасини босиб кўради. Ҳамон тинмаётган баланд мусиқа баттар тезлашади. Боши қотган Зебо ахийри бориб токни резеткадан сузириб тинчийди. Сукут. Зебо аввал Қодиралининг ёнига бориб, унинг ухлашига қулоқ тутади.)

Зебо – Қодирали ака? Тавба, ҳайкалдай қотибди-я. Ҳа-а, эринг бўлса экан, кўтариб бориб, ётқизиб қўйсанг.

(Тонг отай деб қолган. Қодирали столга бош қўйган қўйи миқ этмайди. Унинг ширин уйқуда эканлигига ишонгач, Зебо Нурматнинг ёнига бориб, унинг юзларидан силаб, энди ўпмоқчи бўлганида бирдан Хожибойнинг аскияси жаранглайди.)

Овоз – Тур, падарингга лаънат! Ҳалиям ётибсанми? Соат 10 бўлди...

(Зебо сапчиб туриб, юраги ёрилгудек ўзини четга олади. Нурмат уйғониб, дарҳол ҳали отган костюмини излашга тушади. Овоз келаётган томонга югуради. У то излаб топгунча Хожибойнинг аскияси қайта-қайта такрорланаверади. Топиб ўчиргач, кўзи Зебога тушади.)

Нурмат – Ия, келной бўлмиш, ассаллому алейкум! *(Баланд овозда.)*

Зебо – Вой-вой. Ўчиринг овозингизни.

(Зебо кўзлари олайиб, имлаб Қодиралини кўрсатади. Нурмат Қодиралининг қотиб ухлаётганлигини кўрадида, қўл силтайди. Сўнг кучогини кенг очади. Зебога қараб, паст овозда гапирди.)

Нурмат – Келинг, жоним.

- Зебо – Э-э, нари туринг! Топган жойини-чи. Юрагимни ёрманг. Ўзи ҳали шунча одамни ичида кўз узмай балло бўлди.
- Нурмат – Юраккинангизнинг мендек арслони бор-ку, нега кўрқасиз.
- Зебо – Э, ўргилдим сиздака арслондан. Арслон дегани сал ўзини хурмат қилса бўлмасмикан. Телефон ўлгургаям шунақа нарса ёзадими? Ёки азонни калласидан биров шунақа ҳақорат қилмаса, уйғонолмайсизми?
- Нурмат – А энди, биззи силаб уйғотадиганимиз йўқ-да, жоним.
- Зебо – Қуриб кетманг сиз. Нақд юрагим товонимга тушиб қолди-я. Хўжайиниз деб ўйлабман.
- Нурмат – Ҳа, биз ҳам отамиз деб ўйлаб, сахар дик этиб ўрнимиздан турамиз-да. Ўзиз биласиз, тонгда ширин уйку бўлади...

(Нурмат телевизорни кўрмоқчи бўлиб, қўлига илинган электр токени резеткага суқади. У ҳалиги Зебо юлиб олган магнитофонники бўлиб чиқади ва ўша қўшиқ келган жойида яна давом этади. Овоз баландлигидан Зебо билан Нурмат шошиб қолишади. Нурмат пульта ни топиб, овозни пасайтиради.)

- Зебо – Нима баллоларни эшитасизлар-а яна анави матоҳларига тушунмасанг, қийин экан *(Нурмат ҳайрон бўлиб, Қодиралига қарайди.)*
- Нурмат – Фермер! Уйғонмади-я!
- Зебо – Ҳа-я *(Ҳайрон бўлади.)*
- Нурмат – Одатда бунақа баланд овозга ўликлар тирилади.
(Зебо билан Нурмат Қодиралига яқин боришади.)
- Зебо – Э, нафасиззи шамол учирсин.
- Нурмат – Йўқ, фермер ҳали ўладиган ахлоқмас.

(Зебо бориб, Қодиралини туртиб кўради.)

Зебо – Қодирали ака!? Қодирали ака!? Ҳай? Нима балло, мўмиёланганми?

(Зебо қаттиқроқ туртиб юборади. Қодирали шилқ этиб Зебонинг оёқлари остига тушади.)

Зебо – Вой! Вой, дод! Бу нимаси. Ҳай, ким бор? Қарасангиз-чи. Гулнора! Равшанбек! Вой ўлиб қолибди-ку, каранглар, ким бор?

(Зебо тинмай дод солади. Нурмат уларнинг устидан кула бошлайди.)

Нурмат – Кимларни чақиряпсиз, додлаб? Овора бўлиб нима қиласиз? Ўзи бу кишини фарзандлари бормиди? Агар ўшалар фарзанд бўлса, отасининг шундай кунда ёлғизлатиб кўярмиди? Бири маишатдан бўшамайди, бири олим бўлгани чет элга кетган. Битта-ю, битта қизи бўлса, уям кўчага чиқолмайди. Бошлари айланиб, кўзлари тиниб қолган. Бечора, шармандалик ёмон нарса-да.

(Нурмат хоҳолаб кулади ва чўнтагидан уяли телефонини олиб, қўнгироқ қила бошлайди.)

Нурмат – Алло! Карим! Тез етиб кел! Фермер тилини тишлаб қолибди! Нима? Қаерда? Худо хоҳласа, уйимиздамиз. Ҳа, айтганча, тез ёрдам билан кел!

(Зебо додлаганча қолади. Нурмат чиқади. Чироқ ўчади.)

Иккинчи кўриниш

(Ўша ҳовли. Бу гал столнинг усти бўм-бўш. Нарироқдаги кичик стол устида бир шиша шароб ва бир неча рюмкалар. Жимлик. Телефон жириглайди. Садоқат келиб, гўшакни кўтаради. Гўшакдан Зебонинг овози келади.)

Садоқат – Алло?

Гўшакдан овоз – Алло?

Садоқат – Лаббай.

Гўшакдан овоз – Садоқатхон, мен Зебоман. Мен кетяпман. Сиз бораверинг. Гулнорахонга ўзим қараб тураман.

Садоқат – Қачон етиб келасиз?

Гўшакдан овоз – Йўлдаман. Етиб бораман. Сиз кетаверинг.

Садоқат – Хўп майли. Ҳайр.

Гўшакдан овоз – Ҳайр.

(Садоқат гўшакни қўйиб чиқади. Гулнора чиқади. Қўлида сиртмоқ. Шифтга қараб аланглайди. Файритабий кула бошлайди. Кула-кула йиғлайди. Сўнг аламли йиғлайди. Садоқат чиқмоқчи бўлади. У Гулнорани кўриб, ҳайратланади. Ҳеч нарсага тушунмай, ўзини панага олади. Гулнора тилга киради.)

Гулнора – Онажон! Онажоним! Қаердасиз! Онажоним, отажоним, мени кечиринглар! Беномус қизингизни кечиринг, она-а! Миттигина шу жонимни асрай олмадим, она-а! Оқ тузингиз оқлай олмадим, ота-а! Фақат мени қарғаманглар! Онажоним! Жоним онам, қаердасиз?! Мени чорланг, ёнингизга учиб борай (Чўккалайди, нола қилади. Сўнг бир оз жиддий). Нурмат! Лаънати Нурмат! Томошамни кўрай дедингми? Минг лаънат сенга! Мана, келиб кўр томошамни! Ёш жонимнинг уволи урсин сени, Нурма-а-а-т! (ҳайқиради.)

(Гулнора ўтирган жойида қотади. Карим киради. У Гулнорани аста бориб, қучмоқчи бўлади. Унга яқинлашганда ташқаридан машина овози эшитилади. Гулнора шошиб қочмоқчи бўлиб, бехосдан Каримга урилади. Қўрқувдан ҳушини йўқотади. Карим кутилмаган ҳолатдан эсанкираб қолади. Ташқаридан Нурмат билан Зебонинг кулгилари эшитилади. Карим қўлидаги ҳушсиз Гулнора билан саҳна ортига ўтади. Икки ошиқ-маъшуқлар ширакайф ҳолда қўшиқ куйлаб киришади.)

Нурмат – Шалала-шалала, шаллолла-шаллолла... *(Зебонинг сочларини ўйнайди)* сочларинг шаллола.

Зебо – Шаллола эмас “шарарра”, нима балло тилиз чучукми (Р) ҳарфини (Л) билан қориштириб, туппа-тузук қўшиқни расво қиляпсиз.

Нурмат – Сен қаёқдан била қолдинг.

Зебо – Бу машҳур ҳиндча қўшиқ. Эҳ, бунинг рақсини дугонам қийворади-да. Шу битта рақси билан эрини жонини оли-и-б ўтирибди. Хотин, болачақасидан ажратиб.

Нурмат – Шундай денг? Сиз ҳам қолишмасангиз керак, дугонангиздан.

Зебо – Албатта.

Нурмат – Менга қара, сенинг кайфинг тароқ эди-ку, ресторанда янграган қўшиқни қайси тилдалиги қолиб, ҳарфларига ҳам эътибор бўлибдимми? Жонидан!

Зебо – Ҳа, энди. Тилга эътиборсиз, элга эътиборсиз, экан-да.

Нурмат – Йўғе-е. Э, қойил.

(Зебо нари-бери юриб, Садоқатни излайди.)

Зебо – Садоқатхон. Садоқат.

(Чақиради. Жавоб бўлмайди. Садоқат кафти билан оғзини бекитиб, орқа эшикдан қочади.)

Зебо – Жуда фаросатли-да бу жувон. Кет, десанг, кетақолади. Биз ёлғизмиз, жоним. Ҳеч ким йўқ. Телба қиздан бўлак. Бу гўристон уйда тириклар бу ёқда турсин, ўликлар тирилиб қочади.

(Ҳеч ким йўқлигидан Нурмат дадиллашади. Ширакайф кўзларини Зебодан узмай, ўзини юмшоқ мебель устига ташлайди.)

Нурмат – Демак, бугун элга эътибор берди-и-и-м, денг. Ҳа, бу қомат билан сиз нафақат эътибор берасиз, балки, бир неча эътиборларни қозонасиз ҳам. Ҳеч ким сени 30 дан ошган, демайди.

Зебо – Албатта, ахир мен “Орифлейм” компаниясининг маҳсулотларидан фойдаланаман. Орифлейм мен бунга лойиқман.

(Зебо реклама роликларидаги қизларга тақлид қилиб, қоматини намоиш этади. Қони қайнаган Нурмат стол устидаги шароб билан қадаҳларни тўлдириб, бирини Зебога узатади.)

Нурмат – Демак сенга камлик қилибди. Аслида, сен ичган шаробларга мана-ман деган буюк алкашлар йиқилади.

Зебо – *(Кулиб)* Эҳ, аёл киши майни ичаркану, аммо кайфини мазза қилиб суролмас экан. Майнинг кайфини аёл дардининг захри ювиб кетаркан.

(Зебо Нурмат тутган қадаҳни охирига қадар кўтаради.)

Нурмат – Ия, нима дардлари бор хонимни, билсак бўладими?

Зебо – Дард? Қанча керак?

Нурмат – Борингизни бераверинг.

Зебо – Нақд оласизми?

Нурмат – Етса борим, етмаса жоним.

(Улар сўз ўйини орасида яна шаробхўрлик қилишади. Зебо нари бориб сигарета тутатади. Нурмат ҳайрон.)

Зебо – Менинг дардим ҳам ҳамма хотинларники каби бир дард-да. Эр дарди, фарзанд дарди...
Хотин бўлиб, эр қучоғида яйролмадим, киз бўлиб отам уйига сиғмадим. Ёр-ёр эшитиб, оппоқ либос киёлмадим. Ўтганни ўроғи, кетганни кетмони бўлдим. Дардимни ичимга ютдим. Дилим оғриб қон қуссам, қизил шароб ичгандим, дедим. Яна нимасини айтай? Мана бу кишини-ку кетидан бир йилдан бери қолмайман. Кошки эди, уйланақолса. Энди кўнгли илий бошлаганди, ана инфаркт бўлди-қолди. Энди чўзили-и-б, касалхонада ётибди. Болаларини, деб уйланишга ҳижолат эди. Қани? Бирортаси келиб, отам, деб ҳабар олаётгани йўқ. Каттаси чет элда. Отасининг касбини эгаллармиш. Худди отаси чет элдан фермер бўлиб келгандек. Кичиги шаҳардан бери келмайди. На ўқишни қотиради, на ишни. Ёлғиз қизи бўлса ўзини хонасига кўмган, уйдан чиқмайди. Нима, бўлган билмайман.

(Нурмат муғомбирона томошабинга юзланади.)

Нурмат – Дардини сўраб кўрмадиларингми?

Зебо – Гунг бўлиб олган.

Нурмат – Миясига қаттиқ урибди-да.

Зебо – Гоҳида кўрқиб кетаман. Баъзида менга нима зарил эди, дейман...

(Зебо сигарет кулини кулдонга тўқади. Нурматга юзланади.)

Ҳа, айтганча анави югурдагингиз бор-ку, исми нима эди?

Нурмат – Карим.

Зебо – Ҳа, Карим.

Нурмат – Ҳўш?

Зебо – Ўша нима иш қилади? Ўзи сизга ким бўлади?

Нурмат – Тинчликми? Ёки кўнгиллари ёшини истаб қолдими? Мени сўра?

Зебо – Сизни нимангизни сўрай?

Нурмат – Карим менга ҳеч ким. У менга бир ишда керак эди. Ўша иш эса аллақачон битган.

Зебо – Қанақа иш?

Нурмат – Арзимаган иш. Қизиқишнинг кераги йўқ.

Зебо – Унда нима қилиб юрибди?

Нурмат – Ҳа, уни бугун чақиртиргандим. Мени излаб эси кетгандир. Телефонимниям ўчириб қўйгандим.

Зебо – Нима масалада?

Нурмат – Сизга ёқмаяпти шекилли, хоним? Паттасини қўлига тутқазамиз.

Зебо – Нега энди? Ёқмайди, деганим йўқ. Яхшиям шу бола бор экан, яна анави овсар Садоқат. Бўлмасам, фермернинг ёнига туну кун биз қатнаган бўлардик. Айниқса, касалга тувак тутишни айтинг. Йўқ, бу ишлар менга эмас. Мен бировга тувак тутиб, ахлат тозалай олмайман. Бунақанги ишлар учун Садоқатхон бор бўлсин. Бир куни қарасам, бечора тувак тозалаётган экан. Эҳ-ҳе, сиз уни бир башарасини кўрганингизда эди. (Кулади) Жуда кулгим қистади. Аранг ўзимни босдим. Ҳозирча у ҳам керак. Майли, Садоқатни ҳайдаш қочмас. Аммо сира ёқмайди-да, бу индамас. Сузик кўзи сузилиб, жонни олади-я. Сувилон.

Нурмат – Ҳай-хай, бу рашкми ёки нафрат?

Зебо – Икковиям.

Нурмат – Сиз тилингиздан бол томиб, Қодирали ака, Қодирали акажо-о-н, десангиз, биз ўзимизни босамиз-ку, сулув.

Зебо – Босмай иложингиз хам йўқ-да, бедорим. Ахир у менинг бўлажак эрим. Ҳали тузалиб кайтсалар, мени олтин саройларига занжирбанд этадилар. Аслида эргинамнинг топганисиз, мен сизга ҳеч ким? Кейин режа нима бўлади? Ният фермерни шилишми? Ҳеч бўлмаса, шунисига чиданг. Оз қолди.

(Зебо кайфи ошиб, эркалана бошлайди. Нурмат бўшаган қадаҳни яна тўлдириб, Зебонинг ёнига келади.)

Нурмат – Хўш, мен сенга кимман?

Зебо – Сиз мени жоним, жону жахоним.

Нурмат – Яна ким? *(Нурмат Зебони қучоғига олади.)*

Зебо – Сиз менинг кўклардан топган офтобим...

Ерларда йўқотган кўзмунчоғимсиз.

Нурмат – Йўғ-е-е?! Мана энди гаплашамиз-да сиз билан, ҳоним. Хўш, шаллолами? Шарарами?

Зебо – Шарара-шарара *(Кўшиқни куйлайди.)*

Шарара-шарара. Шарара-шарара.

(Зебо Нурматни кўксидан итаради. Нурмат бориб, юмшоқ ўриндиққа ўтириб қолади. Ўзи эса катта стол устига чиқиб, пультни босади. Экранда ҳалиги ҳиндча кўшиқ намоёниши кўринади. Обдон кайфи ошган Зебо эғнидаги ярим очиқ либосини ёпиб турган шарфини белига бойлаб, беандишачасига рақсга тушади. Саҳна ортидан томошабинга Карим кўринади. Зебо рақсида Нурматни ҳар кўйга солади. Жони бўғзига тиқилган Нурмат Зебони шартта кўтариб, ичкарига олиб кириб кетади. Шу пайтнинг ўзида катта жомадон судраб, Рустам киради. Рустам бу ҳолатни кўриб, ҳайратда қолади. Карим ошиқ-маъшуқларга анграйганча чиқаётиб, Рустамга урилади.)

- Карим – Ия, мени кечиринг. Мен билмай...
- Рустам – Бу уйда нималар бўляпти? Сен кимсан ўзи?
- Карим – Мен... мен...мен... Каримман. Отангиз ҳақида сизга хабар берган мен бўламан. Мен...
- Рустам – Отамга нима бўлган? Ҳозир қаердалар? Мана булар нима қилишяпти, бизнинг уйда?
- Карим – Билмайман. Отангиз касалхонадалар. Қон босимлари баланд. Инфарк бўлганлар.
- Рустам – Нега?
- Карим – Билмайман, мени қўйиб юборинг. Нима бўлганлигини ҳозирча ўзларидан бошқа ҳеч ким билмайди.
- Рустам – Сен бу ерда нима қиляпсан?
- Карим – Синглингиздан хабар олгани келгандим.
- Рустам – Гулнорага нима қилибди?
- Карим – Ҳалиги... ҳалиги... Мен уни... биз у билан... Хуллас, бир оз тоби йўқроқ.
- Рустам – Довдирамай гапир тўғриси. Ҳозир ўласан, бола. Синглимга нима қилдинг?

(Рустам Каримни ёқасидан олади.)

- Карим – Йўқ! Аслида мен уни қаттиқ севаман.
- Рустам – Аслида, деганинг нимаси, ит?

(Рустам Каримни бир мушт билан иргитиб юборади.)

- Карим – *(Ўзини базўр ўнглаб)* Аслида мен уни севаман *(ийглайди)*. Лекин бу иш... Ҳаммаси лаънати Нурматнинг иши. У мени авради. Севгинга фақат шу йўл билан эришасан, деди. Улар бой, икки дунёда ҳам сенга ёлғиз қизини бериб қўймайди, деди. Яна у мени қўрқитди. Катта пул ваъда қилди. Биз бир-биримизни севардик.

Рустам – Ў-ў, менга кара, нималар деяпсан? Тушунтириб гапир, ғулдирамай! Нега аврайди, сен нима қилдинг?

Карим – Мен...мен...уни номус...

(Рустам гапни охиригача эшитмай туриб, Каримга бир мушт туширади. Карим қимир этмай ерга йиқилди. Рустам сингисининг хонасига югуради. Карим аста туриб, қочиб қолади. Жазаваси қўзиб, Рустам чиқади. Каримни қочганини кўриб, баттар ғазаби қайнайди. Сўнг ўтли нигоҳларини томошабинга тикади. Қўлига ҳанжар олади.)

Рустам – Ўлдираман, ифлос!!!

(Рустам қўлида пичоқ билан Каримни кетидан қувганча чиқади. Чироқ ўчади. Саҳна айланади.)

Учинчи кўриниш

(Ўша ҳовли. Қодирали тушкун кайфиятда. Гулноранинг хонасидан чиқиб келади. Сигарет тутатади. Осмонга боқади. Оғир хўрсинади.)

- Қодирали – Эҳ, болаларимнинг онаси! Нега бизни ташлаб кетдинг? Мени кечир, болаларни эпполмаяпман. Бу дарду ситамлар қачон тугаркан? (Зебо киради.)
- Зебо – Қодирали ака, ким билан гаплашаяпсиз?
- Қодирали – Ия, Зебохон, келганингизни пайқамай қолибман. Мен янгангиз билан гаплашаётган эдим.
- Зебо – Янгам? Ҳазилингиз курсин *(Кулади.)*
- Қодирали – Кулманг. Тўғрироғи, кечирим сўраётгандим.
- Зебо – Қайси гуноҳингиз учун?
- Қодирали – Эҳ, Зебохон, гуноҳларингизнинг қай бири учун, денг?
- Зебо – Вой ўзимни Қодир акамдан айланай *(Кулиб эркалайди)*. Ахир сиз дунёдаги энг яхши инсонсизку.
- Қодирали – Яхши бўлиб нима қилибман? Дунё топаман, деб хотинимдан айрилдим, топган дунём эса ўзимга душман бўлиб турибди.
- Зебо – Ундай деманг.
- Қодирали – Афсуски, шундай. Мана кўз олдимда гулдек қизим сўлиб боряпти.
- Зебо – Гулнорахоннинг ёнига кирдингизми?
- Қодирали – Ҳа, кирдим. Жуда бошим қотди. Нима қилишга хайронман? Дарди нима? Ёрилмаса, айтмаса. Мана шунақа дамларда онанинг ўрни билинади-да. Мен йўғимда ҳам чурқ этмадими?

Зебо – Афсус. Аммо Гулнорахон ўзи жуда-а ақлли қиз. Ким билсин, нима жин урди экан, соқов бўлди-қолди-я.

(Қодирали Зебога ҳайрон анграяди. Зебо вазиятдан чиқишига уринади.)

Ишқилиб, худодан сўраганим, шу иккингишга фақат соғлик- салломатлик бўлди. Гулнорахон иккимиз шу кенг ҳовлингизни тўлдириб ўтирдик.

(Рустам ва Садоқат киради. Садоқатнинг қўлида бир стакан дамлама. Садоқат дамламани аста столнинг устига қўйиб чиқади.)

Кейин эса мана Рустамжон келиб қолдилар.

Рустам – Ҳа, ўзиям айна вақтида келибман. Ота, мана бу дамламани ичишингиз шарт экан.

(Рустам дамламани Қодиралига тутуди. Қодирали дамламага синчиклаб қарайди.)

Қодирали – Бу қандай дамлама экан?

Зебо – Ҳа, ҳали Садоқат қандайдир ҳашакларни қайнатаётган эди.

Қодирали – Ҳашак?

Рустам – Ота, бу ҳеч қандай ҳашак эмас. Бу ўша қандим деган шифобахш гиёҳ дамламаси.

Қодирали – Қандим?

Рустам – Ҳа, ўша сиз еру кўкдан излаган қандимингиз.

Қодирали – Бўлиши мумкин эмас. Ким? Қаердан топибди?

Рустам – Менинг Садоқат опам-да, ким бўларди? Улар бугун тонг сахарлаб, қаергадир отланаётганини кўргандим.

Қодирали – Мен ҳам кўргандим. Лекин далага бўлса керак, дегандим.

Рустам – Аммо ундай эмас экан. Улар эрта тонгдан тоққа жўнаган эканлар.

- Қодирали – Э, койил-э, Садоқатхон-а?
- Зебо – Бўлиши мумкин эмас. Қандим бу ерларда ўсмайди. У қайсидир тоғнинг нақд чўққисида ўсади, дейишади. Садоқатхон, нима, альпинистмиди, чўққиларни забт этадиган?
- Қодирали – Э, Зебохон! Садоқатхон тоғ қизи. Тоғ қизлари юксак матонатли бўлишади. Лекин менга қандим зарурлигини у қаердан билди экан?
- Рустам – Касалхонада сизга туну кун қараб, сизга нима зарурлигини билмайдими? Садоқат опам маладец аёл эканлар. Сиз учун билдирмай шу гиёҳни топиб келибдилар-а? Бу иш ҳар қандай аёлнинг қўлидан келавермайди.

(Рустам жўрттага Зебога пичинг қилади. Зебонинг жазаваси тутади. Садоқат қўлида чойнак ва пиёла билан киради. Қодирали Садоқатдан кўзини узмайди. Зебо раишқини боса олмайди. Зебо Садоқатнинг қўлидан чойнак, пиёлани жаҳл билан олади.)

- Зебо – Борақолинг Садоқатхон, сиз овқатга қаранг. Мен ўзим бераман чойни.

(Рустам кулгидан ўзини боса олмайди. Садоқат чиқади. Қодиралининг Садоқатга айтмоқчи бўлган гапи бўғзида қолади. Сукут. Қодирали мавзуну ўзгартиришига ҳаракат қилади.)

- Қодирали – Хўш? Сен бир суруштириб кўрдингми? Дугоналари, ён-берилардан. Яна биз билмай қолган бирор кўнгилсизлик юз берган бўлмасин?

(Рустам гап ким ва нима ҳақида эканлигини дарҳол англайди.)

- Рустам – Суруштирдим, ота. Ҳеч гап йўқ. Дўхтир чақирай дедим, оёқ тиради. Олиб борай дедим, бўлмади.

- Қодирали – У ҳолда нима сабаб бўлиши мумкин? Мен бошида унинг бу ҳолатини кўриб, унчалик эътибор бермаган эканман. Нимадандир аразда бўлса керак,

деб ўйлабман. Бунинг устига унинг ўзи ҳам кам гап-да. Кейин эса бориб, хонасидан чиқмай қўйди. Ҳайронман...

Зебо – Қизингизни яхши бир муллага кўрсатиш керак. Мен яхши нафаси ўткирларини биламан. Кўрсатамиз, ўқийди, чўқийди, хуллас, дам солиб қўяди.

Рустам – Ўша сиз айтаётган нафаси ўткир профессорларингиз менимча соғ юрганларни ҳам касал қилиб қўйса керак.

(Зебо Рустамнинг муомаласини тушунолмай ҳайрон.)

Зебо – Ундай деманг, мен Гулнорахонга ёмонликни раво кўрмайман. Имкон бўлди, дегунча, унинг ёнида бўлишга ҳаракат қилдим.

Қодирали – Э, отангизга раҳмат! Сиздан шуни кутгандим. Қизимни ўз қизингиздек кўришингиз менга маълум. Сиз жуда меҳрибон, кўнгли тоза, жуда беғубор аёлсиз. Сиздан қарздормиз.

Рустам – Биз ҳам *(Зебо Рустамнинг киноясига ёвқараиш қилади.)*

Қодирали – Аммо сен Германиядан эрта қайтиб, бекор қилибсан. Сен энди ортингга қайт. Ишни охирига етказ. Мен айтган техникани олиб, уни яхшилаб ўрган.

Рустам – Ота?

Қодирали – Кел энди. Мени эшит. Менга жин ҳам урмайди. Мен мана, отдайман. Ана Нурмат аканг бор. Ундан, сендан кўнглим тўқ. Мени фақат уканг қийнайди. Ҳаммасига чидашим мумкин, аммо Равшаннинг қилиқларига чидай олмайман. Ўлай агар, жуда оғир ботди. Лоақал бир марта келмади. Бу нокас на

уйдан, на мендан ҳол сўрайди. Ҳализамон пули
тамом бўлса, бир кўриниш бериб қолса керак.

Рустам – Ота, сиз хавотир олманг. Мен ўзим уни қидириб
топаман. Осмонга чиқса, оёғидан, ерга кирса,
қулоғидан тортиб оламан.

*(Ота-бола суҳбатидан Зебо зерикади. Ташқаридан машина
овози эшитилади. Зебо аста чиқади.)*

Қодирали – Э, болам, бу Равшан деганлари бола эмас, балло
чиқди-ку, ш-у-у, туяни юки қанча кам бўлса, шунча
кўп бақиради, деганларича бор экан-да. Бу уканг
туядан ҳам ўтиб тушди. Нексия жонига текканмиш
“Ласетти” ҳайдагиси келибди.

Рустам – Обб-о-о! “Ласетти”га балло борми?

Қодирали – Аслида буни кўнглига қараб, ҳато қилибман.
Бурнини ерга ишқаб ишлатсам, бўлар экан.

Рустам – Ота, асабийлашманг. Мен энди ҳеч қаерга
кетмайман. Доим ёнингизда бўламан.

Қодирали – Ия, энди бунисини қаранглар!

Рустам – Бўлди. Ҳозир яна бир оғиз гапирсангиз, ўша кунги
фожиа яна такрорланади.

Қодирали – Э-э! Билмадим болам, билмадим. Онанг тирик
бўлганидами, балки бу бола менга бунчалик
ташвиш бўлмаган бўлармиди? Бу нонкўр, билсанг,
мени онангнинг руҳига хиёнатда айбляпти. Алам
қилгани ҳам шу бўлди. Бўлмасам, онангнинг ўзи
илтимос қилиб кетган. Энди ёш бола эмассанлар.
Аввалроқ айтсам, тушунмас эдиларинг. Онанг
раҳматлик “Болаларимга яхши она топиб
уйланинг”, деб васият қилган. Сенларнинг
кўнглинг ярим бўлмасин, деб мана 15 йилдирки, бу
васиятни адо этолмайман. Қап-катта йигитсанлар.

Мени ҳам йигит бўлиб, бир тушунишга ҳаракат қилиб кўринглар. Эркак киши учун бундан оғир жазо йўқ, аслида. Лекин мен шунча чидадим-ку, чидаяман-ку, керак бўлса, бундан кейин ҳам чидайман. Менга сенлар ёвқараш қилмасаларинг, бўлди.

Рустам – Ота, нималар деяпсиз? Ким сизга ёвқараш қиляпти?

Қодирали – А, нега бўлмаса, ҳалидан бери Зебо опангга таъна тошларини отяпсан?

Рустам – Ия, ота ўзингизмисиз?

(Кулади. Ташқаридан пакет кўтариб, Зебо киради.)

Рустам – Ия, қойил. Зебохон опа қачон чиқиб улгурдингиз? Ш-у-у, жуда оҳиста қадамсиз-да.

Зебо – Вой, ўргулай, Рустамжон. Ота-бола суҳбатига аралашмай, дедим. Кейин ташқаридан Нурмат акангизнинг машинаси овози эшитилди. Ҳартугул бир дунё бозорлик билан келгандирлар, деб, ёрдамга чиққандим.

Рустам – Э-ҳа-а! Шунақа денг. Бу-у, кўлингиздаги пакетлар жуда-а оғир бўлса керак. Менга бера қолинг.

(Рустам Зебонинг кўлидаги пакетни киноя билан олади.)

Шундай қилиб, келган одамнинг кимлигини машинасининг овозидан билиб оламан, денг?

Зебо – Жа-а, унчалик эмас.

Рустам – Э, қойил. Ноёб истеъдод эгаси экансиз-ку.

(Уст-бошини қоқиб, Нурмат киради)

Нурмат – Ассаллому алайкум! Акам!

Қодирали – Ва алайкум ассаллом. Кел.

Нурмат – Қандай? Бардам-бакувватмисиз?

Қодирали – Кўриб турганингдек, соппа-соғман.

- Нурмат – Э, бу соғинтириб яшагим келар, деб-а?
- Рустам – Йўғ-е-е, анча ишонарли чиқди.
- Нурмат – А, ота ўғил, сен қандайсан?
- Рустам – Саллом.
- Нурмат – Шу-у, четдан келганиндан бери безовта кўринасан? Ёки бирортасини йиғлатиб келдингми, дейман.
- Рустам – Мени кўя туринг, ака. Йиғлатадиганлар шу ерда ҳам йиғлатиб юришибди. Четда бунга вақт йўқ.
- Нурмат – Ука, бунинг учун тилни билиш керак-да, немисларнинг тилини ўргандингми ўзи?
- Рустам – Бегона тилни тушуниш қийин эмас. Аммо ўзингникиларнинг тилини тушунмасанг, қийин экан.
- Нурмат – О-о, файласуф бўлиб келибсанми?
- Қодирали – Бўлди, бас. Хўш, ишда нима гап? Келганимизга мана тўртинчи кун, аммо сендан дарак йўқ?
- Нурмат – Минг бор узр ака, иш билан бўлиб, ҳаялладик. Тинч. Ҳамма ишлар кетяпти.
- Қодирали – Шу-у, тинч-тинч, деб тинчимни оласанлар-да. Ҳали Зокирхон қўнғироқ қилган экан. Овозидан анча безовта. “Ака, сизни албатта кўргани ўтаман”, деди. Ҳализамон келиб қолса ҳам керак.
- Нурмат – Зокирхон? Қайси Зокирхон?
- Қодирали – Ҳм-м. Эслолмаяпман, дегин. Тушунарли. Тоштепадаги янги ўзлаштирилаётган ер. Эсладингми?
- (Нурмат безовталана бошлайди.)*
- Нурмат – Ҳа-а, эсладим. Нега келаётган экан?
- Қодирали – Билмасам? У мени шунчаки кўргани келмаяптиёв. У ердаги ишлар нима бўлди?

Нурмат – А, бўлгани бўлди, бўлмагани бўляпти.
(Ташқаридан тракторнинг триллаган овози эшитилади.)

Рустам – Зебо опа, яхшилаб тингланг-чи, ким келди экан?
(Зебо кўзларини чақчайтирганча чиқади.)

Қодирали – Бу нимаси? Тинчликми ўзи? Ҳалидан бери Зебо
опангга пичинглар қиласан? Ўзинг чиқсанг
бўлмайдимми? Нима бўлган буларнинг ҳаммасига?
(Ичкаридан Гулноранинг ўхчиган овози эшитилади.)

Бор энди, синглингга қара!
(Рустам чиқади. Нурмат қочиб тараддудига тушади.)

Нурмат – Мен бирровга кирган эдим. Кечга яқин биратўласи
ўтирадиган бўлиб келарман. Энди ишга борай.
Ишлар кутиб қолди. Ҳа, энг мухими ўзингизни
асранг.
(Нурмат чиқишга улгурмайди, Зокирхон киради.)

Зокирхон – Ассаллому алайкум! Омонмисиз!

Қодирали – Ва алайкум ассаллом! Келинг, меҳмон!

Зокирхон – Анча соғайиб қайтибсиз, хурсандман.

Қодирали – Мен ҳам сизни соғ-салломат кўрганимдан
хурсандман.

Зокирхон – Нурматжон, сиз қандайсиз?

Нурмат – Шукур, раҳмат, ўзингиз?

Зокирхон – Қаерга шошяпсиз? Бир оз шошманг. Икки дақиқа
вақтингизни оламан, ҳолос.

Қодирали – Тинчликми?

Зокирхон – Х-ў-ў-ш. акам, сизни қаттиқ ҳурмат қиламан.
Нафақат мен, балки бошқаларнинг ҳам
эъзозидасиз. Лекин сизни салломатлигингизни
ўйлаб, буни ичимга ютсам сиз ҳам, биз ҳам адо
бўламиз.

Қодирали – Нима гап ўзи тинчликми?

- Зокирхон – Тинчлик бўлса, сиздан ҳол сўрардим, кетардим. Сиз бир катта оғасиз-да энди. Бутун бир қишлоққа оғалик қиласиз. Ҳамма сизга ишонади. Лекин менадан нима гуноҳ ўтди? Мен сизларга ишонган эдим-ку.
- Қодирали – Аниқроқ гапиринг. Нурмат, бу нима деяпти?
(Нурмат Зокирхонга юзланади)
- Нурмат – Мен сизга айтдим-ку, қиламиз деб...
- Қодирали – Бас! Айтинг, нима гап?
- Зокирхон – Аниқроғи. мени хонавайрон қилдингиз. Ўтган йилги бўғдой мавсуми-ку, майли, эсан чикди.
- Қодирали – Йўқ, ўтган йил ҳато ўзингиздан ўтган. Дехқон деган уруғнинг агротехникасини яхши билиши керак. Билмаса, сўраши керак. Ҳамма нарсанинг ўз тошу тарозуси бор. Ҳа, сиз кўп ҳосил оламан деб, меёридан ортиқ уруғ сепаб қўйдингиз. Бундан ташқари ўғитни ҳам муддатига қараб, меёрида ва ўз вақтида бериш керак эди. Уруғ керагидан ортиқ сепилса, қалин бўлиб қолади. Ана ундан кейин майда бошоқ бўлиб қолади. Ҳосилнинг камлиги ана шундан бўлган. Буларни сизга тушунтирган эдим-ку. Демак, ҳали ҳам гина билан юрган экансиз-да.
- Зокирхон – Йўқ, сиз мени тушунмадингиз.
- Қодирали – Нега энди, мен сизни жуда яхши тушуниб турибман. Демокчисиз-ки, мен сизга маргонсовка билан тўйинтирилган уруғ берганман. Шундайми?
- Зокирхон – Йўқ.
- Қодирали – Хўп, нега унда ер яхши бўлса, ҳосил ёмон бўлади?
- Зокирхон – Оға, ундай деганим йўқ.
- Қодирали – Гапингизнинг маъносидан шу келиб чиқяпти-да. Мен сизга “Зомин-1 супер элита” навидан олиб

берганман. Бу эса Тендор комисси ернинг аҳволи намунали, деб хулоса чиқарганлиги учун берилган. Бу ерда қаллоблик бўлмаган.

- Зокирхон – Хўп, майли. Лекин мен буни айтмоқчи эмасман. Дардим бошқа. Нахотки, шу тайёр каналдан кичик бир ариқ казиб, чанқоқ ерларга сув олиб бориш шунчалар қийин бўлган бўлса? Ахир, бунга келишиб олгандик-ку. Энди бу йилдан қолди. Кун қизиб, ер қотиб боряпти. У ерлар энди қачон ўзлаштирилади-ю, қачон экин экилади?
- Нурмат – Ҳой, инсон...
- Қодирали – Бўлди, бас! Бу нимаси? Жавоб бер, Нурмат! Ариқ казиш ишлари тўхтаб қолдимми?
- Нурмат – Нега тўхтаб қолади? Тўхтагани йўқ. Фақат бир оз танаффус бўлиб қолди.
- Қодирали – Нима дединг? Қулоқларимга ишонмаяпман. Танаффус дедингми? Бизнинг ишда танаффус бўларканми? Айни баҳорда-я? Ерни экинга тайёрлаш олдидан “танаффус” деб тилингни бир қарич қилишга уялмайсанми? Хўп, айтилган ишни-ку қилмабсан, унда ажратилган маблағ қаёққа кетди? Гапир?
- Нурмат – Ўзингизни босинг.
- Зокирхон – Ия, ў-ў-ўв, сен ўзингни бос. Каттага чиранма. Оғага яна шундай муомала қилсанг, ўзингдан кўр.
- Нурмат – Нима? Сен ким бўлибсан? Бориб, тракторингни тинчгина тариллатиб юравер эшитдингми?
- Зокирхон – Мен ўз аравамни ўзим тортиб юрибман. Тушундингми? Аммо сен умринг давомида чўтни эгри қоқиб келяпсан. Юлғич. Қинғир ишларингни мени билмайди, дейсанми?

Нурмат – Ўчир овозингни!
Зокирхон – Мен эмас, сен ўчир! Ариқ казиш, сув келтириш учун хиссангни қўш, фаллон пул, дединглар, бердим. Ўзинг қуртдек санаб олдинг. Имоним комил-ки, сен ўша пулларни жиғилдонингга ургансан. Йўкса, ариқ аллақачон қазилган бўлар эди.

(Бу гаплардан Қодирали ҳайратланади. У Зокирнинг сўзларига бир ишониб, бир ишонмай таажубга тушади.)

Нурмат– Вой итдан тарқаган-ей.
Зокирхон – Нима дединг? Итдан тарқаган ўзи сенсан. Ярамас, ифлос.

(Зокирхон Нурматни ёқасидан олиб, бир мушт туширади. Нурматнинг оғзи-бурни қон бўлади. Бақир-чақирга Зебо билан Рустам чиқади. Рустам уларни ажратиб, Зокирхонни ташқарига олиб чиқади. Зебо Нурматнинг оғзи-бурнини артиш билан овора. Қодирали ҳангуманг.)

Қодирали – Шу гаплар ростми? Гапир? Гапир деяпман сенга?

(Нурмат ўзини ўнглаш билан овора. Қодирали эса ўзини босиб, аста унинг ёнига боради.)

Қодирали – Қулоғим сенда.

Нурмат – Мен у айтган пулни емаганман.

Қодирали – Хўш, унда қани ўша пуллар?

Нурмат – У пулларни мендан эмас ўғлингиздан сўранг.

Қодирали – Ўғлим? Қайси ўғлимдан?

Нурмат – Равшандан.

Қодирали – Йўқ, сен олган пулни нега мен ундан сўрашим керак?

Нурмат – Шунинг учун-ки, у мендан пул талаб қилди.

Қодирали – Сендан пул талаб қилди? Тушунтириб гапир! У нега сендан пул талаб қилар экан?

Нурмат – Ўзингиз айтибсиз? Бориб Нурматдан ол, деб.
Сиздан сўрай, десам, тобингиз буни кўтара олмас
эди.

Қодирали – Ў-ў-ў! Жонимнинг эговлари.

(Қодирали Нурматни ёқасидан олади)

Нега берасан? Унга шунча катта пул нега керак
бўлибди?

*(Қодирали Нурматни қўйиб юборади. Зебо дарров бориб,
Нурматнинг уст-бошини тўғирлайди.)*

Қодирали – Сен нега унга ёпишиб олдинг?

*(Қодирали Зебога ўшқиради. Ташқаридан трактор овози
эшитилади. Рустам киради. Ҳамма жим. Жимликни орқа эшикдан
Равшан кириб бузади. Ҳамма лолу ҳайрон.)*

Равшан – Саллолликум *(Жимлик)*. Тинчлувми? Ишқал
қилдилами? *(Нурматга қарайди.)* В-а-а-й! Ёмон
драка бўпти-а. Вай, сал олдинроқ кесам бўларкан-а
(Кўзи акасига тушади). Ия, ака кеворибсизми?
Қаллей энди?

(Кўришмоқчи бўлади. Рустам Равшанга бир тарсаки туширади.)

Тушунмадим. Нима, Германияда шунақа
сўрашарканми? Адажон, сиз қандоқсиз энди?
Қаренг, коттейз куч бўп кептими?

(Қодирали ҳам бир тарсаки туширади.)

Вой-вой-вой! Жинни бўп қоганмисила? А так,
манам биламан.

(Зебога кўзи тушади.)

Сан манжалақи ҳалиям бизани ҳовлида
ивирсивоссамми?

(Қодирали бориб, Равшанни бўғзидан олади.)

Қодирали – Падарингга лаънати. Санғи итдек тентираб,
қаерларда юрибсан?

Равшан – Падарим бошқами диман-де, бемаллол
лаънатлавос.

(Қодирали бу сафар мушт туширади.)

Рустам – Ота, соғлиғингизни ўйланг.

Қодирали – Гапир, шунча пулни нима қилдинг?

*(Нурмат билан Зебо аста қочиб қолмоқчи бўлади. Уларни йўлини
Рустам тўсади.)*

Равшан – Қайси пул?

Қодирали – Нурматдан олган пул.

Равшан – Манга Нурмат нега пул беради? Тушунтириб
айтинг, ада! Ман ҳеч кимдан пул олганим йўқ.

Қодирали – Алдама. Сен ўзи қай йўлларга кирдинг? Ўз отангни
алдайсан. Янги машина олиб бермаганим учун
менга аччиқ қилгансан. Менинг номимни сотиб,
Нурматдан пул олгансан.

Равшан – Тухмат! Ўз отамдан тухмат, онажон! Онам руҳи
ҳаққи қасам ичаман, ман охирги марта шу ердан
бир тийин пулсиз чиқиб кетганм-а-а-а-н!

Қодирали – Ие, сенлар қаерга шошиб қолдиларинг? Хўш, гапир
энди. Ҳалиги гапингни мана, исботла.

Нурмат – Олган! Ўз қулим билан берганман.

Равшан – Вой, ифлос.

*(Равшан бориб дўппосламоқчи бўлади. Рустам уни ушлаб
қолади. Зебо кета бошлайди.)*

Қодирали – *(Зебога)* Сен қаёққа йўрғалаяпсан?

Зебо – Нима, мени боғлаб қўйганмисан?.

Қодирали – Ҳа-а, манжалақи. Иккингинг тилинг бир экан-да.
Икки бошли аждарлар мени хонавайрон қилмоқчи
бўлгансанлар-ку. Ана мен ахмоқ. Балки мен ўз
ўғлимни ўғрига чиқараётгандирман. Рустам,
маҳкам ушла, мана бу суюқоёқни. Қочиб кетмасин.

(Зебо қочишга уринади. Рустам уни тутиб қолади. Қодирали Нурматни бўғзидан олади.)

Қодирали – Пуллар қани? Нима қилдинг?

Рустам – Ота, ўзингизни босинг. Менга қўйинг уни!

Қодирали – Сен аралашма! Агар ростини айтмаса, hozир мен буни бўғиб ўлдираман.

Зебо – Вой, дод! Ўлдириб қўяди.

Нурмат – Айтаман, қўйворинг, айтаман.

(Қодирали Нурматни бўшироқ ушлайди. Нурмат пайтдан фойдаланиб, киссасидан ҳанжар чиқариб Қодиралининг томоғига тирайди.)

Нурмат – Мана энди айтаман. Қўйиб юбор уни.

(Нурмат Рустамга ўшқиради. Рустам Зебони қўйиб юборади.)

Зебо четга ўт. Бор, чиқавер. *(Зебо чиқади.)*

Сен иккаланг? Ў-ў-в, Қодирваччалар, бир томонга ўт, қани. Тез-тез ўтларинг! Бўлмасам мана бу фермер оталаринг билан ҳайрлашасанлар.

(Болалар тезда бир четга ўтишади. Нурмат Қодиралини судраганча девор бўйлаб айланиб ўтмоқчи бўлади. Шу пайт орқа томондан Гулнора қўққисдан хужум қилади. У Нурматни бошига қаттиқ жисм билан уради. Нурмат ҳушсиз йиқилади. Сўнг Гулнора томошабинга кўринади. Ҳушсиз ётган Нурматга қараб, телбаларча кулади. Қодирали омон қолади. Чироқ ўчади. Парда ёпилади.)

ИККИНЧИ ПАРДА

Тўртинчи кўриниш

(Ховлининг орқа томони. Ярим тун. Оппоқ бўлиб гуллаган қатор гилос дарахтлари. Узоқдан янги ой кўриниб турибди. Қурбақаларнинг қуриллаши, чигирткаларнинг чириллаши ва шунга ўхшаши ҳашоратларнинг овозлари узлуксиз эшитилган ойдин бир кеча. Ҳолатга монанд романтик бир мусиқа янграйди. Дарахтларга афсона сўзлаб, оппоқ либосда Гулнора киради. У гайритабиий бир ҳолатда)

Гулнора – Бир бор экан, бир йўқ экан. Қадим ўтган замонда “Олис бир йўл” томонда бир қиз ўтган экан. Кунлар ўтиб, ойлар ўтиб, йиллар ўтганда, қиз кундай кулиб, ойдаи тўлиб, гулдек очилибди. Бўйи етган қиз ахийри ўша “Олис бир йўл”га тушибди. Йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Бориб-бориб, бир тошга қоқилиб, йиқилибди. Муздек тошга бағрини бериб ётган қиз бирдан вужудида кучли бир оғриқ сезибди. “Бу нима?” дебди қиз. Шунда кимдир “бу мен, севгиман” дебди. “Севги шундай оғир дардми?” дебди қиз. Жавоб бўлмабди. Қиз яна урина-сурина йўлида давом этибди. Севги дегани вужудига сиғмабди. Бу ширин азоб ҳақида оламга жар солгиси келибди. Лекин қалбининг туб-тубида нимадир бунга сира йўл қўймабди. Шунда қиз яна “бу нима?” дебди. Шу пайт кимдир “бу ғурур” дебди. “Ғурур шунчалик кучлими?” дебди қиз. Жавоб бўлмабди. Сўнг қиз ортиқ юрмасликка, севмасликка қарор қилибди. Шу пайт қизнинг бўғзида нимадир тўлиб, тошиб кўзларида айланибди. Сўнг кафтига бир дона томчи томибди.

Қиз эса хайрон “бу нима?” дебди. Шунда кимдир
“бу ғам, бу алам, бу дард” дебди.

(Шу пайт Каримнинг “Гулнора” деган овози эшитилади. Гулнора сергакланади. Атрофга қарайди. Ҳеч ким йўқ. Кулади. Ҳайратланади.)

Минг йил эшитмадим овозларингни,
Билмам қай маҳал дилга ўт солдинг,
Сен менинг ҳаётимга айланиб қолдинг!
Эй, Худойим! Нима бўляпти менга?
Жинни бўлиб қолиш ҳеч гапмас.

(Шу пайт дарахтлар орасида кимнингдир борлиги сезилади.)

Гулнора – Ким? Кимсан ўзи? Фариштамисан, шайтонмисан,
одаммисан? Кўрсат ўзингни. Агар мабодо дев
бўлсанг ҳам кўркмайман сендан. Менга энди
ҳаммаси барибир. Мен ўлимдан кўрқиб бўлганман
(Кулади).

*(Гулнора дарахтлар оралаб шарпа томон юра бошлайди.
Кўринмас сухбатдошини ҳар бир дарахтнинг орасидан излайди.)*

Ҳеч ким йўқ.
Ё Раб. Ҳатто кўркувни ҳам унутдим.
Не қилай, ҳаммасига кўникдим.
Хижронга кўникдим. Ғамга кўникдим.

(Оғир хўрсинади. Ўзича шеър ўқийди.)

Сен кетдинг!
Сен кетдинг дилимга армонни ёқиб,
Соғинчинг сочимга қор бўлиб кўнди.
Узилган пойингга интизор боқиб,
Вафони ахтариб кўзларим сўнди.

(Аламдан йиғлайди.)

Ичикдим, ичикдим, ичкиб кетдим,
Симирдим ғам майин ютоқиб кетдим.
Ўргимчак уясин тўшар дилимга,

Кечикдим, кечикдим, кечикиб кетдим.

(Гулнора кўзларини чирт юмиб, қўллари билан беркитади. Чироқ ўчиб, ёнади. Гулноранинг қаршисида Карим пайдо бўлади. У Каримни кўриб эсанкираб қолади.)

Гулнора – Эй, воҳ! Бу тушми, ё ўнгим?

(У яна қўллари билан юзини беркитиб, ўгирилиб олади. Чироқ яна ўчиб, ёнади. Карим зойиб бўлади. Гулнора Каримни бор деб ўйлайди ва ўгирилганча унга араз қилади.)

Гулнора – Нега келдингиз? Мен сиздан нафратланаман. Худди сиз мендан нафратлангандек. Йўқ – йўқ, ўзингизни оқлашга уринманг. Керакмас ҳам. Биз ким бўлибмизки, сизнинг ҳаётингизга суқулиб киришга ҳаддимиз сиғса. Чунки биз билан ишингиз битган. Эшагингиз эса аллақачонлар лойдан ўтган.

(Гулнора орқасига ўгирилади. Атрофга қарайди. Каримни излайди. Ёлғизлигига амин бўлади. Хўрлиги келади.)

Гулнора – Кўзимга кўриндимми? Ёки... *(Ер тепинади)* Уф! Ҳаммасига ўзим айбдорман. Қўпол гапирмаслигим керак эди. Уни кўрқитиб юбордим. Нега ундай қилдим. Бир оз тилимни тия олганимда эди... Ух, аҳмоқ қиз. Нима қилиб кўйдинг?

(Осмонга қарайди, оғир хўрсинади.)

Кўзимга кўриндимикан? Балки у менинг ёнимга умуман келмас. Тамоман унутган бўлса-чи. Эҳ, дунёнинг ишлари бу-у-у. Келмаса, келмади деймиз, келса, заҳарли тилимиз билан қувиб соламиз-да. Кейин ўтираверамиз. Ёлғизликдан арз қиламиз. Ҳм.
(Кулади.)

(Шу пайт қоронғилик ичидан Карим чиқиб келади. Гулнора эсанкираб қолади Карим хурсанд.)

Карим – Гулнора!

Гулнора – Карим ака!

(Гулнора кўзларига ишонмайди. Икки ошиқ борлиқни унутиб, бир-бирлари томон талпинади. Улар қучоқлашишади. Романтик мусиқа баланд янграйди. Пауза. Сўнг ошиқлар тилга киради)

Карим – Гулнора, мен сени жуда соғиндим.

Гулнора – Ёлғончи.

(Гулнора Каримнинг қучоғида бир оз араз қилади.)

Соғинган одам соғиниб юраверадими? Кўргани келмайдими?

Карим – Қандай қилиб? Ўзинг биласан-ку, бу жуда қийин.

Гулнора – Нимаси қийин?

Карим – Бунинг устига гапирмай қўйибсан.

Гулнора – Нима қилишим керак эди? Мен ўзимни йўқотиб қўйдим. Бу дартдан довдираб қолдим. Нега энди иккимиз қилган гуноҳ учун фақат мен товон тўлашим керак? Фақат мен азоб чекишим керак?

(Гулнора Каримнинг қучоғидан чиқади.)

Карим – Гулим, кел, қўй шу гапларни.

Гулнора – Қандай қилиб қўяй? Нега бунчалар беғамсиз? Ҳам соғинч, ҳам виждон азоби ўртасида куйиб адо бўлаяпман. Нега сиз бефарқ, бепарвосиз?!

Карим – Мен ўзимдан ўтганини ўзим билияпман.

Гулнора – Назаримда сизга фақат дийдор, висол бўлса басдек.

Карим – Гулим, мени қийнама. Мен сени дилдан севаман. Юракдан севаман. Фақат сен ундай қилма. Отангни қийнама. Хозир уларга жуда оғир.

(Орага бир оз жимлик оралайди. Дарахтлар орасидан кимнингдир юргани томошабинга кўринади. Сўнг яқинроқдаги катта гилос дарахти ортида Равшаннинг тургани аён бўлади. Равшан бир оз ширакайф. У шу ҳолатда вазиятни пинҳона кузатади.)

Гулнора – Иложим йўқ.

Карим – Нима учун?
Гулнора – Бу гапларни кўяйлик. Ўзингиз қаерларда юрибсиз?
Карим – Мен шу ерда эдим.
Гулнора – Қаерда?
Карим – Эҳ, шу дунёда юрибман-да.
Гулнора – Мен сизни нариги дунёдасиз, деб ўйлабман.
Карим – Ҳа, оз қолди шекилли.
Гулнора – Ия, шошманг, балки бирга кетармиз.
Карим – Кел, қўй шунақа гапларни. Мен сени соғиниб келдим.
Гулнора – Х-о-о! Эндими? Хўп, қани, айтингчи, нега шунча пайт келмадингиз? Охирги учрашувимизни ҳаттоки, эслолмайман ҳам. Соғиниб севишларингиз шуми?
Карим – Қўйгин, қийнама.
Гулнора – Нима учун бир менгина қийналишим керак?
Карим – Сен қийналма, севгилим. Ўзи севгимизни қийналаётгани ҳам етар.
Гулнора – Айтишга осон бу. Келмайсиз, қочгансиз деб ўйладим.
Карим – Ҳато ўйлабсан. Мен сени жуда севаман. Мана шу боққа ҳар тун келаман. Худди аввалгидек сени кутаман. Ҳаёлларимда келасан. Учрашамиз, қувлашамиз.

(Карим Гулнорага жуда яқин келади, уни ўпади.)

Гулнора – *(Ҳаёлан маст)* Нега фақат тунда?
Карим – Акаларингга, отангга дуч келишдан кўрқаман. Бунинг устига анави ифлос Нурмат изляпти мени.
Гулнора – *(Жонланиб)* Хотиржам бўлаверинг. У сизни излай олмайди. *(Кулади.)*
Карим – Нега?

Гулнора – Ўша ифлос ҳозир касалхонада ётибди.
Карим – Нима учун?
Гулнора – *(Жинни тусига кириб)* Чунки мен уни бир уриб,
бошини пачоқ қилиб қўйдим.
Карим – Йўғ-е! Э, қойил! Сен-а? Ҳа, энди янаям
кутирадиган бўлибди-да. Сени судга беради.
Гулнора – Судга беролмайди. Мен ҳамманинг назарида
жинниман. Жиннилар эса судланмайдилар.

(Ғалати кулади.)

Карим – Ҳа, бу иблисни аслида ким эканлигини акангга
айтиб бергандим.
Гулнора – Нима? Қайси акамга?
Карим – Рустам акангга?
Гулнора – Рустам акам. Демак, улар ҳаммасидан хабардор
эканлар-да.
Карим – Ҳа.
Гулнора – Эй, худо! Бечора акам мени бетоб, деб
индамаганлар. Акс ҳолда мени тириклайин
қўмардилар. Қолганларчи, отам, Равшан акам?
Карим – Қолганларни билмадим. Аммо Рустам аканг ҳамма-
ҳаммасини биладилар.
Гулнора – Яъни, нимани?
Карим – Ҳаттоки сен билмаган нарсаларни ҳам.
Гулнора – Мен билмаган нимани?
Карим – Гулнор, ишон, мен сени ҳақиқатдан ҳам севаман.
Агар отанг рози бўлса, сенга уйланаман. Лекин яна
бир гапни эшитиб қўй. Биз ўша тунни ўз
хоҳишимизга кўра бирга ўтказдик. Тўғрими?

(Гулнора бошини қимирлатиб, тўғри ишорасини беради.)

Нурмат эса мени сенга бўлган муҳаббатимдан
фойдаланмоқчи бўлган. Унга сени номусингни

булғаниши зарур бўлган. Аслида нияти, иши битгач, мени йўқ қилиб, шу йўл билан оилангни шарманда қилмоқчи ва отангни бадном қилмоқчи бўлган.

(Гулнора ҳайратдан қотади. Равшан томошабинга юзланади. Ғазабланади.)

- Гулнора – Шўрлик отам. Аллақачонлар шарманда бўлганлар. Фақат қанчалик шарманда бўлганларини ўзлари ҳам билмайдилар. Билсалар, кўтара олмайдилар. Сен эса йўқол. Шайтоннинг малайи.
- Карим – Йўқ-йўқ-йўқ. Сен ундай дема. Мени тўғри тушун. Нурмат мендан фойдаланди. Тўғрироғи, менинг севгимдан. Биз эса унинг қурбони бўлдик, ҳолос.
- Гулнора – Қай бирингизга ишонай?
- Карим – Сен мени яхшилаб эшит! Кейин кимга ишонишни обдон ўйлаб кўр. Мен бу гапларни батафсил Рустам акангга айтиб бердим. Аканг мени тўғри тушундилар, кейин эса нима режа тузган, буниси менга қоронғу. Менга бир оз вақт кўздан нарироқ юр дедилар, ҳолос. Хозир эса сен мени тушунишга ҳаракат қил. Агар истасанг, хозироқ борамиз-да, бор гапни отангга айтамыз ва мен сени қўлингни сўрайман. Ёки ўлдирадилар ёки рози бўладилар.
- Гулнора – Сизга қўшиб мени ҳам ўлдирадилар.
- Карим – Мен ўлимдан кўрқмайман. Афсус, кўзим кеч очилди. Гўллим сабаб ўша ифлосни гапига кирибман.
- Гулнора – Сиз отамни билмайсиз.
- Карим – Отангизни сизлар яхши билмайсизлар.
- Гулнора – Акам ҳомиладорлигимни ҳам биладиларда?
- Карим – Нима? Ҳомиладор?

(Карим Гулнорани кўтариб олади.)

Ҳа-а, жон-и-и-м, сиз ҳали хомилали бўлдингизми?
Энди чидолмайман. Тўғри бориб, кўлингни
сўрайман. Бермаса, олиб қочаман.

(Карим севинчи ичига сизмай Гулнорани қўлида роса айлантиради. Бир оз кайфи бўлган Равшан ҳаяжондан ўзини боса олмайди. Уларнинг севинчига шерикдек севишганлар томон юради. Бунга сезган Карим Гулнорани қўйиб, орқа-олдига қарамай қочиб, бир зумда йўқ бўлади. Гулнора нима қиларини билмай қолади. Равшан бориб, сингисини бағрига босади)

Равшан – Қўрқма, сингилжоним. Сан бегуноҳсан. Сан фариштадек соф қизсан. Ман сани табриклагани келдим. Силага ҳалақит бермоқчимасдим. Энди шунақа бўп қолди. Ўзимми ушаб туромадим. Мандек бир бадбахт акангни тоға қилмоқчи бўпсан. Бунга ҳаққинг бор. Бунга сан айбдормасан. Ана, шунчалик севишибсила. Бу яхши. Каримни яхши танийман. У яхши бола.

Гулнора – Ака! Мени кечиринг! *(Гулнора акасининг қучиб йиғлайди.)*

Равшан – Эҳ, сингилжон, сан ҳеч ўксима. Сан ҳам, ман ҳам бошида бунақа эмасдик. Онамиз тириклигида ҳаммаси бошқача эди. Бизани шу аҳволга тушишимизга аслида отамиз сабабчилар. Чунки улар бизни фақат боқдилар. Аммо тарбияни биз ўзимизга -ўзимиз кўлимиздан келганча бердик. Ўзимизни-ўзимиз шунчалик тарбиялабмиз, шукурда. Бундан баттари бўлиши мумкин эди-ку. Отам бизни камчилик кўрмасин, деб шунчалик елиб-югурдилар. Уларгаям раҳмат. Аммо шу

бекамукўстлигимиз бизани хароб қилишига оз қолди.

(Пауза. Ҳолатга монанд мусиқа янграйди. Ака-сингил бир нуқтага термулиб, ўйга чўмади.)

Гулнора – Акажон, энди нима бўлади? Мен нима қилай?

Равшан – Нима бўгандаям ман сани овозингни эшитганимдан хурсандман. Худога шукур, шол-соқовмас экансан. Сан ўзингни асра. Севгинг учун кураш. Сан учун мана ман курашаман. Оиламиз учун, албатта, Нурматдан қасд оламан.

Гулнора – Акажон!!!

(Гулнора Равшанга суянади. Чироқ ўчади.)

Бешинчи кўриниш

(Қодиралининг ҳовлиси. Равшан ўйчан ҳолда ўтирибди. Қўлида сигарет. Чироқ ўчади. Орқа фонда сояли воқеа намоиши этилади. Унда Нурмат қўлида сигарети билан нари-бери юриб, Равшанни аврапти. Равшан каттакон ўриндиқда ўтирибди. Улар ширакайф ҳолатда.)

- Нурмат – Ҳа ука. Қалай энди?
- Равшан – Э, қойил ака зўр. Сиз қандай дам олишни биласиз-да.
- Нурмат – Маззами?
- Равшан – Мазза.
- Нурмат – Э, укам сен ҳали нонни нанна, деб юрибсан-да. Шу ҳам лаззатланишми?
- Равшан – Бу нима деганиз?
- Нурмат – Энди мени оилангизга бўлган ҳурматим жуда баланд. Айниқса сени ўз укамдек кўраман.
- Равшан – Э, раҳмат, ака!
- Нурмат – Ш-у-у! Гапнинг очиғи, бу аканг билан отангга тўғриси бир оз ачинаман.
- Равшан – Нега?
- Нурмат – Одам деган итдек ишлагандан кейин мушукдек дам олишни ҳам билиши керак.
- Равшан – Йўқ, адашасиз. Биззи паҳан тез-тез дам олишга бориб турадилар.
- Нурмат – Э-э, каллаварам. Дам олиш дегани чойхона, курорт, санаторий, дегани эмас. Мана, дам, мана, лаззат.

(Қўлидаги сигаретни ва ароқ шишасини кўрсатади ва уларни Равшаннинг олдига қўяди. Томошабинга уларнинг сояси кўринади. Равшан шишани қўлига олади.)

- Равшан – Буни-ку мазасини тушундим. Аммо паҳан хидласа синдиради. *(Сигаретни олади.)*

А, мана буни нима каромати бор? Оддий сигаретку. Ёки анави...

Нурмат – Ҳа-а, баракалла, сенинг ақлинг баллодур, хар йўлларга соладур.

(Улар мастликда машиойихона ҳазил-ҳузул қилишади.)

Равшан – Эҳ-хе, мавлоно Нурматий, бу-у замонавий чилим, денг.

Нурмат – Чилим, чилим. Чилим бўлгандаям, алломат чилим. Сен буни роҳатини кўр. Сени мана бу ичган ароғинг ҳолва.

Равшан – Йўғ-е? Шунчаликмикан?

Нурмат – Истасанг, ма ол. Бир кўр. Соғлигинга ҳам фойдали. Жуд-а-а, бақувват бўласан. Бир зумда шерга айланасан қоласан. Папай бўласан қоласан Папай!

Равшан – Бир кўрсаммикан.

Нурмат – Берганда олиб қол. Бу қурғур жуда қиммат таради. Сенга текин. Не жалка.

(Чироқ ўчади. Сояли намойиши тугайди. Саҳна ёришади. Равшан узоқ ўйдан уйғонади. Қўлини мушт қилиб, тиззасига уради. Рустам киради. У укасининг салломини кутиб, бир оз туриб қолади. Ахийри ўзи кесатиқ оҳангда саллом беради.)

Рустам – Ассаллому алайкум, укажон.

Равшан – Ва алайкум, акажон.

Рустам – Яна чекапсанми?

Равшан – Кўриб турибсиз-у.

Рустам – Уйда ким бор?

Равшан – Ман.

Рустам – Яна ким?

Равшан – Ровшан.

Рустам – Жиғимга тегма.

Равшан – Бунга вақтим йўқ.

Рустам – Уйда фақат сен бўлсанг, айти муддао. Сен билан ўзи анчадан бери гаплашолмай юргандим.

Равшан – Йўғ-е, нима ҳақда экан?

Рустам – Сигаретингни ташла! Чекишни сенга ким ўргатди?

Равшан – А так, манам шу ҳақда ўйлаётувдим.

Рустам – Тўғри гапир.

Равшан – Хўп-хўп, ака.

Рустам – Менга қара, ука, қадамингни ўйлаб бос!

Равшан – Сизга ўхшабми?

Рустам – Жаҳлимни чиқарма.

Равшан – Хўп-хўп.

Рустам – Сен қаерларда юрасан ўзи? Кимларга қўшилгансан? Нега отамни бунчалик куйдирасан? Синглимизга нега қарамадинг?

Равшан – Ўқивотувдим.

Рустам – Э, ўқиган сени. Кошки ўқиб, қотирсанг.

Равшан – Вой! Самниватца қивосми?

Рустам – Ҳозир бир тушираман... *(Равшан жиддийлашади.)*

Равшан – Хўш, нима демоқчисиз? Нима, фақат битта сизда калла борми? А так, манам биламан, туширишиши. Лекин ака, нармални гаплаш!

(Рустам Равшанга бир мушт туширади. Равшан ҳам Рустамга мушт туширади. Ака-ука муштлишади. Қодирали киради.)

Қодирали – Хой, э, уятсизлар. Бир қориндан талашиб тушиб-а. Бас қилларинг. Қандай ҳаддиларинг сиғади.

(Қодирали ажратади. Рустамни силтайди.)

Мана бунинг-ку асли жинни. Сени нима жин урди?

Равшан – Соғ одам бормиди ўзи?

Рустам – Ўчир овозингни!

Қодирали – Бас! Йўқол, икковингам!

(Сукут. Йигитлар секин чиқмоқчи бўлади.)

- Қодирали – *(Рустамга)* Сен қол!
- Равшан – Майли, любимчигиз билан гаплашволинг.
- Қодирали – *(Равшанга)* Тўхта! Сенга нима етмайди ўзи? Менда нима, қасдинг борми? Дўст деганим душманни ишини қилиб турган бир пайтда сенлар, менинг ўғилларим нега пичоқсиз сўясизлар? А? Нега? *(Бақиради.)*
- Равшан – Нега-ки, биз сизнинг фарзандларизмиз. Биз ҳам сизга ўхшаб, оқни қорадан ажратолмай юрибмиз.
- Рустам – Тилингни тий!
- Равшан – Э, акажон, сиз тилиззи тийинг! Ман шунча тилимни тийиб келдим. Доим оғзимга уриб келдинглар. Мани гапим гапмас. Сиззи гапиз гап бўлиб келди. Ман билан ҳеч кимми иши бўгани йўқ. Қўлимга жарақ-жарақ пулни бериб кўйиб, қаёққа, нимага сарфлавоссан, деб ким сўради? Ҳеч ким.
- Рустам – Ёп оғзингни! Отамни ўйла!
- Қодирали – Тўхта! Қани гапирсин-чи!
- Равшан – Э, раҳмат, маниям эшитадиган одам боракан-да. Лекин афеус, энди жуда кеч. Ман борса-келмас йўлга чиқиб бўлдим. Ўша йўлга чиқишимга сиз ва сиззи пуллариз сабаб бўлди. Ўшанда бизга пулмас меҳр, бир оз эътибор берганингизда эди. Биз шу ахволга тушмаган бўлардик. Сиз фақат мамбу эркатоийззи эштдиз. Уни гапи қонун бўлди, биз билан эса ҳеч ким хисоблашмади. Қорни тўқ, усти бут бўлса бўлди деб ўйладиз. Ким билан нима евотганим бўлса энди мана бу кишимми эсига тушибди. Ўзлариям четдан бери келолми қолдилар. Четти айши зўр-да. А?

Рустам – Оғзингга қараб гапир.

(Улар бир-бирларига чанг солмоқчи бўлишади. Қодирали қаттиқ бақиради. Орада Зебо киради. У оғзида сақичи билан сурбетларча туради. Жимлик. Қодирали газабда.)

Қодирали – Ху, дажжолнинг урғочи шериги. Яна нимага келдинг, ифлос? Ўйнашинг ҳали ўлмадими?

Зебо – Стоп. Ўзингни бос, чол. Сени сассиқ гапларингни эшитаман деб келмадим. Мана ол. Ўқи.

(Зебо бир вароқ қоғозни улоқтиради.)

Яхшиям-ки, ўлмади. Бўлмасам ҳолингиз бундан ҳам баттар бўлар эди.

Қодирали – Бу нима?

Зебо – Буми? Очиғи шантаж. Агар сўралган пулни нақд бермасаларинг Нурмат акамга етган тан жароҳати учун қонуний жавоб берасанлар. Тушунарлими?

(Қодирали вароқни олиб ўқий бошлайди.)

Равшан – Ў-ў-ў, манжалақи. Бузуқ. Отам билан нармални гаплаш. Бекорга башарангга чизиб қўяман.

Зебо – Вой-вой-вой! Ке, чиз. Мен бир кўрай. Ўзи битта чизган чизикларингга жавоб беролмай ака-ука, ота-бола қир-пичоқ бўляпсанлар-ку. Яна чизармиш.

Рустма – Фохиша, йўқол бу ердан.

Зебо – Фохиша? Ким фохиша? Фохиша мен эмас, фохиша ана у ерда.

(Қўлини бигиз қилиб ичкарини кўрсатади.)

Билиб қўй. Фохиша бу сени синглинг. Ҳар ким билан бир ўйнашиб юриб, орттирганини Каримни бўйнига илмоқчи бўлганди, ана ўхшамай қолди. Жиннисифат соқов бўлди қолди. Шарманда.

Қодирали – Тўхта-тўхта. Нима деддинг? Сендан сўраяпман. Мени қизим ҳақида нималар деб алжираяпсан?

- Зебо – Эштганингиз.
- Қодирали – Йўқ тухмат. Бу мумкин эмас. Мени қизим пок. Нималар бўлаяпти ўзи бу уйда.
- Зебо – Топганинг тешиб чиқяпти. Мана, нима бўлаяпти.
- Қодирали – Ху, ҳароми.
- Зебо – Тўғри гап тукқанингга ёқмас эканда. Ҳали бу ҳолва. Қолганини кўзинг очик бўлса кўраверасан. Сен юравер пахта, буғдой плани деб. Энди мабодо етмай қолса ўзингни торозига қўй. Э-э, кўзи очик кўр.
- Қодирали – Ҳозир сени бўғиб ўлдираман. Заҳарли илон.
(Қодирали Зебони бўға бошлайди. Зебо додлашга тушади. Рустам келиб ажратади. Зебо аранг ўзига келиб қочиб қолади. Жимлик. Катта пауза. Оғир куй чалинади. Жимликни Равшан бузади.)
- Равшан – Ота ула бир-бирларини севишади.
(Қодирали ўзига келади.)
- Қодирали – Ия ким? Кимлар бир-бирларини севишади?
- Рустам – Гулнора билан Карим.
- Қодирали – Ия, ҳали сен ҳам билармидинг? Жуда қизик бўлди-ку. Сен билсанг. Сен билсанг. Нега мен билмайман? Мен ўзи кимман? Булар менга гўё бегона. Хой, Рустам, сен билибсан. Нега сен менга айтмадинг.
- Рустам – Ота, буни кўтара олмас эдингиз.
- Қодирали – Кўтара олмас эдим? Хўш, эндичи? Мана энди кўтараманми? Айтчи. Нега энди ичимдан чиққан илон тилга кириб, менга айтиши керак? Сенлар бир оғиз айтсаларинг бўлмайдимми? Мен ота бўлиб туриб, якка-ю, ягона қизимни асрай олмасам нима қилиб юрибман бу дунёда. *(Ота йиғлайди)*

Қизим бечора бу дардни бир ўзи енга олмай адо бўлибди-да. Эҳ, онаси, бизни кечир. Бизларни кечир... (Сукут)

Ҳа, ўғлим аслида сени эштсам бўлар экан. Сен тўғри айтдинг. Ҳаммасига мен айбдорман. Сизларга вақт ажратмадим. Ҳар бирингизни дардингиз, орзу-истакларингиз билан ўртоқлашмадим. Ўз вақтида меҳр беролмаганим, қаттиқ-қўллим учун афсус чекаман. Оталик бурчим фақат сизларни ҳеч нарсага мухтож қилмасликда деб билибман. Сизларга дурустроқ ота бўла олмадим. Бу эса менга армон бўлиб қолди. Сизларни ҳечам зориқтирмайман деб фақат бойликни кетидан қувибман. Бойлик деб мен пахтани, ғаллани, ерни тушунибман. Аммо дунёда яна шундай бойлик бор экан-ки, усиз инсон маънавий қашшоқ экан. Бу ҳам бўлса ўша ҳаммамиз билган меҳр-оқибат, эътибор, ғамхўрлик экан. Мен буни билмасмидим? Албатта билардим. Аммо минг афсус...

(Ота ўксиб-ўксиб йиғлайди. Ичкаридан тақир-туқир овоз келади. Гулноранинг бўғиқ овози эшитилади. У “отажон” - дея қичқиради. Рустам ва Равшан Гулноранинг хонаси томонга югиради. Момоқалди роқ гумбирлайди. Чақмоқ чақади. Ака-укаларнинг “Гулнора” – деган ваҳимали овози эшитилади. Қодирали тамомила ўзини йўқотади. Тиз чўқади. Момоқалди роқ тиниб, шаррос қуйган ёмғирнинг овози эшитилади. Чироқ ўчади.)

Олтинчи кўриниш.

(Тонг. Қодирали хонадонининг дарвозахонаси. Садоқат ораста кийиниб, кўчани супуриш учун қўлида челақ билан дарвозадан чиқади. У аста юриб келаётиб, бирдан тўхтаб қолади. Қўлидаги челақ тушиб, даранглаганча юмалаб кетади. Садоқат кўзини узмай турган томондан, уст-боши бир ахвол бўлган, нашаванд бегона киши кириб келади. У яқинлашган сари Садоқат орқага тисарила бошлайди. Ушбу бегона Садоқатнинг эри Қамбар. У ширакайф ҳолатда.)

Қамбар – Обб-о-о, сен-ей, гўзаллашиб кетибсанми? Ахийри топдим-ку, сени. Қочганингча-а, шу ерга беркинибсан-да. Ҳа, бу ер хазинанинг ўзи-и.

Садоқат – Пешонамнинг шўри, ҳалиям тирикмисан? *(Йиғлайди.)* Нашадан ичинг чириб, ўлиб кетгансан, дегандим. Қачон қутиламан сендан?

Қамбар – Мендан сен, ўлиб қутиласан. Эшит! Хуллас, гаҳ десам қўлимга қўнасан. Ахир, сен менинг законний хотинимсан-ку, жонидан. Ҳазина топибсан, деб эшитдим. Кенг уйнинг маликаси бўлиб олибсан-да. Эшитдим-у, оёғимни қўлимга олиб келавердим. Энди эса топганингни, менга берасан, тушундингми?

Садоқат – Йўқол, яқинлашма.

Қамбар – Қани, буёққа келиб, қучоғимга кир-чи! Ахир, хотинимсан. Ҳеч ким эрингдек бўлолмайди, тўғрими? Саёқ юрсанг, таёқ ейсан. Аммо сени урмайман. Яхши жой топибсан. Сен уларни соғасан. Мен эса сутини ичиб, мазза қиламан *(Кулади.)*

Садоқат – Яқин келма, дедим! Акс ҳолда бақираман. Хўжайин эшитиб қолсалар, кунингни кўрсатади.

(Кўча деразалари биридан Қодирали кўринади.)

- Қамбар – Ў, менга кара, қанака хўжайин? Сенинг хўжайининг менман. Нима, битта эр камлик қилдими? Ҳали эрга тегволдим ҳам дегин?!
- Садоқат – Туркинг курсин! Эр бўлмай каро ер бўл! Йўқол!
- Қамбар – Бекорларни айтибсан. Мен сенинг эрингман. Айт, ким билан қочдинг? Қани у? Чақир, ҳозир уриб, майиб қиламан.
- Садоқат – Ҳеч ким билан қочмадим. Болам билан келдим. Ишляяпман. Мени шарманда қилма! Кет!
- Қамбар – Ҳеч қаерга кетмайман, менга пул керак.
- Садоқат – Майли, топганимни бераман, фақат индамай ортингга қайт! Мени тинч кўй!
- Қамбар – О-о-о, мендан номус қияптиларми? Ўз эрингдан-а? Нима, мени аҳмоқ деб ўйляяпсанми? Ҳозир мен кетсам, сен яна қочиб кетасан-ку. Кейин мен сени яна излаб, сарсон бўламанми? Гап тамом, бор топганингни олиб чиқ. Ўзингам кетасан. Сени қартада ютқазиб кўйдим. Ошналарим сени сўрашяпти. Олиб бормасам, бўлмайди. Кейин яна қайтиб келасан.
- Садоқат – Ютқаздим? Нимага?
- Қамбар – Нимага бўларди? Қиморга. Боримни тикдим. Ахир, жоним, мени сендан бошқа бойлигим йўқ-ку. Сени тикдим-да.
- Садоқат – Пасткаш! Банги! Ифлос! (*Бақиради.*)
- Қамбар – Ўзингни бос, гўзалим! Улар сенга ҳеч нарса қилмайди. Фақатгина бир кечага сўрашди. Ахир, улар менинг оғайниларим.
- Садоқат – Сени ўзим ўлдираман. Кейин умрим қамокда ўтса ҳам майли.

Қамбар – Ў-ў, менга қара, яхшиликча кўн! Йўқса, судраб олиб кетаман. Бор, пул олиб чиқ!

Садоқат – Эй, худо, мени бу дажжолдан қутқар.

Қамбар – Эй, кўп вайсама!

(Қамбар қўлига челакни олиб, Садоқатга қарата отади. Бу орада Қодирали дарвоза ортидан чиқиб келади. Унинг кетидан Садоқатнинг ўғли Даврон югуриб чиқади.)

Даврон – Ур-р-а-а! Дадам келибдилар!

(Қамбар югуриб келётган Давронни бир уриб, думалатади. Даврон йиғлайди. Қодирали Қамбарнинг ортидан келиб, ўзига қаратади. Сўнг бир уриб йиқитади.)

Қамбар – Ў-ў-в, сен кимсан?

Қодирали – Шу уйнинг хўжайини.

Қамбар – Ҳа-а-а! Сен экансан-да хотинимнинг ўйнаши?

(Қамбар Қодиралига ташланади. Икковлон олишади. Садоқат дод солади. Даҳшатга тушган болакай арриллаб йиғлай бошлайди. Дод-фарёд авжига чиқади. Рустам киради. Ажратади. Шу пайтда сахна четида боши боғлиқ Нурмат кўринади. У томошани зимдан кузатади.)

Рустам – Ота, ўзингизни кўлга олинг!

Қодирали – *(Нурматга)* Ифлос. Сенам эркакмисан?

Қамбар – Эй, менга қара, шубҳанг борми? Мабодо бўлса, анави бола менинг ўғлим бўлади. Сен, эркак бўлсанг, бировнинг хотинини сўрамай нетмай қўйнингга оласанми?

Қодирали – Минг лаънат, сендақа эркакка.

Қамбар – У менинг хотиним. У мени боқади. Хоҳласам ураман. Хоҳласам ўлдираман, хоҳласам сотаман.

(Садоқат боласини қучоқлаганча номусдан додлаб йиғлайди.)

- Қодирали – Сотаман? Нима, у бир буюммиди-ки, сотсанг? Бу инсон-ку. Аёл-ку. Аёл бўлганда ҳам меҳнаткаш бир покизи аёл.
- Қамбар – Ҳо-о! Тилингдан бол томади-ку, а? Уни севиб қолмадингми мабодо? Билсанг агар, аёл зоти бари-бир гўр. Лекин менга ҳозир аёл эмас, пул керак, пул. Жуда кўп пул керак.
- Қодирали – Шундай дегин? Бурнинггача қарзга ботибсан-да.
- Қамбар – Бу билан ишинг бўлмасин.
- Қодирали – Ҳўш, қанча пул керак?
- Рустам – Ота.
- Қодирали – *(Рустамга)* Сен жим тур! Айт, қанча керак?
(Қамбар довдираб қолади. Кўзларини чақчайтириб, камзулининг ички чўнтагидан шиша чиқариб, бир-икки қултум ичади. Сўнг шишага телбанамо тикилади.)
- Қамбар – Икки минг.
- Қодирали – Сўм бўлса керак? Гапир, ит эмган! Хотинингни битта ароқнинг пулига сотасанми?
- Қамбар – Жиннимисан? *(Кулади. Қошларини учиради.)*
кўкидан икки минг, кўкидан!
(Қамбар кўрсаткич бармоғи билан ҳавога доллар шаклини чизади.)
- Қодирали – Рустам!
- Рустам – Ота, нима қияпсиз?
- Қодирали – Қўявер.
- Садоқат – Йўқ, берманг. Бир тийин ҳам берманг. Бунинг нафси бузук. Ўрганса, келаверади. Яхшиси, мен уни судга бераман.
- Қодирали – Йўқ. Агар шу пул билан гум бўлса, майли, олсин.
- Садоқат – Қодирали ака?!
- Қодирали – Бу ёғини менга қўйинг.

- Қамбар – Тўхта! Яна шунча берасан!? Йўқса, боламни олиб кетаман.
- Садоқат – Йўқ, сен жирканчсан. Маразсан. Ер ютсин сени илоё, ер ютсин. Ўз ўғлингниям сотасанми?
- Қамбар – Ҳозир сотмасам, олиб бориб, қиморга тикаман. О, менинг бойликларим. Қаранг, нақадар қимматсизлар. Аслида бир тийинга қимматсизлар. Мана бу нима, сени севиб қолганми? Мунча қимматга олмаса? (*Қодиралига*) Қани, гапир! Боланиям оласанми?
- Қодирали – Оламан.
- Қамбар – Маладец. Унда бор, пулни олиб чиқ!
- Қодирали – Шартим бор!
- Қамбар – Шарт? Қанақа шарт? Ҳақиқатдан ҳам жинни экансан-ку.
- Қодирали – Ахир, эркакман, дединг-ку, сўзингда тур!
- Қамбар – Қанақа шарт?
- Қодирали – Боладан воз кечасан! Хотинингга таллоқ қўйиб кетасан! Олган пулинг ҳақида тилҳат қолдирасан!
- Қамбар – Шуми? (*кулади*) Э, керак бўлса, 100 таллоқ қўяман. Ол, хотин сеники! Пулни бер?
- Қодирали – Пулни оласан, лекин ҳозир эмас.
- Қамбар – Нима? Мени аҳмоқ қилаётган бўлмагин яна?
- Қодирали – Оласан! Гап шундаки, мен уйда пул сақламайман. Ўғлим, сен билан бориб, ёзган тилҳатингни нотариус тасдиғидан ўтказиб, банкдан олиб беради. Фақат бир оз сабр!
- Қамбар – Бу бошқа гап. Агар алдасаларинг, мен буларни тирик қўймайман! Ўлдираман!
- Қодирали – Хўш, шартни бажар!

- Қамбар – *(Хотинига)* Ҳой, менга қара, сен уч таллоқсан!
Тўрт томонинг қибла! Аммо пул қўлимга
тушгандан сўнггина тилҳат ёзаман.
- Қодирали – Келишдик. Рустам, ишни битир!
- Қамбар – Юрақол, Рустамжон!
- Қодирали – Тўхта, халиги гапингга гувоҳ керак! *(Шу пайт
Нурмат чиқади.)*
- Нурмат – Менман гувоҳ. Мендан яхши гувоҳ тополмайсан,
фермер.
- Қамбар – Ана, топилди. Ҳайр! Юрақол, Рустамжон!
*(Қамбар чиқади. Ҳамма жим. Равшан киради. Нурмат
золибона юра бошлайди.)*
- Нурмат – Э, қойил. Сизга ҳамиша қойил қолиб келганман-да.
Она-бола сигир бўлганда ҳам майли эди.
Аллақандай бир искирт алкашдан қолган битта
урғочиниям шунча пулга сотиб оладими? Онаси
ўпмаган қиз ҳам шунча турмайди-я. Қойилман!
- Равшан – Нима? Ў, ифлос, сан нега келдинг? Нима дивоссан?
- Қодирали – Басс! Чакагингни ёп, чиябўри! Сендақалардан худо
ҳам безор. Менинг ишларимга бурнингни суқма.
- Нурмат – Йўқ, мени ҳам, сотадиган бир-иккита нарсам бор
эди. Билишимча, эскифурушлик қилаётган
эмишсиз?!
- Равшан – Ада, бир нарса динг! Ҳозир бир уриб ўлдираман
уни!
(Қодирали ўглининг елкасига қўлини қўйиб, тинчлантиради)
- Қодирали – Тилингнинг заққуми илоё ўзингни заҳарласин.
- Нурмат – Хотин-ҳалажнинг ичида юравериб, хотинча
қарғайдиган бўлибсизми?

- Равшан – Отамми ҳақорат қима! (*Равшанчидамай келиб, Нурматни бир уради.*) Ана, энди гапир! (*Нари кетади*) Ада, узур, а так...
- Нурмат – (Ўзига келиб) Сен тирранчани қўлинг ўсиб қолибдими?
- Равшан – Сани тилингдек, эл қатори.
- Нурмат – Ҳа, хозир менинг тилим сени бошингни ейди. Агар гапирсам, сен еган ахлатлар учун фақат отанг пул тўлаган. Сен бадбахт ота эса, ўғлинг ютган қорадори учун тер тўкиб, меҳнат қилиб келдинг. Сени топганингни ҳаммаси мана бунинг нафси учун кетган. Ана сенларга. Қалай зўрми?
- Қодирали – Нима? Қанақа қорадори? Равшан, бу нима деяпти? Шу гаплар ростми? (*Равшан жим.*)
- Нурмат – Ия, томдан тушган тараша бўлманг. Равшанжон қорадори билан тирик-да. У наркоман. Йўқ бўлган пулларнинг ҳаммаси мана шу учун кетган.
- Қодирали – Ҳў, иблис, нималар деяпсан? Менинг уйимда қорадори нима қилсин? Менинг болам? Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Йўқ, фақат бу эмас...
- Нурмат – Ҳа, шу, фақат шу! Сен ўйлайсан, банк тўла пул, деб. Аслида, ҳисобингни мана бу еб битирган!
- Равшан – Буниси тухмат, ота, тухмат. Уни ўзи мани шу йўлга бошлаган.
- Қодирали – Сен ҳам четда қараб турмагандирсан?
- Нурмат – Мен ўзимга тегишлисини энди оламан. Мендан ҳали кўп қарзсан.

(Равшан бориб, Нурматга ташланмоқчи бўлади. Рустам уни базўр ушлаб туради.)

- Қодирали – Эй, вох, яна нима истайсан, юлғич? Яна нима сенга тегишли?

- Нурмат – Мана бу уй! Ҳамма ерлар! Бутун бойлигинг! Билиб қўй, сен меники, деб юрган ерлар аслида меники! Менинг ота-бобомга тегишли бўлган! Бу ерларни ўзлаштиришда сенга ўхшаган бичлар керак эди-да. Мен эса сенга ўхшаб, қора терга ботиб, сасиб ишлай олмайман. Тўғри, сен буларга қора терга ботиб эришдинг. Лекин улар аслида меники.
- Қодирали – Эй, сен қайси замонларни гапиряпсан? Ўшандан бери чарх қанча айланганини биласанми? Тўғри, бўлса бордир. Хон замонида бу ерлар боболарингга тегишли бўлгандир. Аммо болшовойлар уни мусодара қилиб, колхозга берган. Колхозлар тугагач, уни мен сотиб олганман.
- Нурмат – Сен менга чўпчак сўйлама! От айланиб, қозигини топади. Мана мустақиллик келди. Мустақилмиз. Энди қадимги ерлар ўз ҳақиқий эгаларига топшириладиган замон келди. Сенга катта раҳмат, ерларимни қайтарганинг учун! Касалхонада сен имзолаган ҳужжатлар, бутун ерларинг менинг номимга ўтиши учун расмийлаштирилаётган эди (*Қарсак чалади*). Яшасин, мустақиллик! Яшасин, истиқлол!
- Қодирали – Кўп, валдирама! Мустақиллик сендақалар учун эмас. Ерга меҳрини бериб ишлайдиганлар учун, ерни обод қиладиганлар учун, ўз ерини сотмайдиганлар учун! Энди эса, йўқол!
- Нурмат – Э, йўқ. Сен билан бир битимга келмадик.
(Нурмат чўнтагидан бир энлик қозғоз чиқаради)
Мана бу ҳужжатни имзолайсан, кейин кетаман.
- Садоқат – Ажириқни қанча титиб-тирмашиб тозалама, унинг илдизи барибир ўлмайди. Сенга ўхшаган

ажириклар эса хали-хануз қайси тошни кўтарсанг,
боши кўринади.

Нурмат – Нима? Сениям тилинг борми? Мана буни
шудгорида ажирик титавериб ажирик бўлиб
қолибсан-ку ўзингам.

Садоқат – Нима, соқов деб ўйлаганмидинг? Ишчилардан сен
суйкалмаган аёл қолмади. Бечоралар ахийри қочиб
кутилишди. Сен пуллаган ўғитлар-чи? Уруғлар-чи?
Ўз кўзларим билан кўрганман. Мабодо зарур бўлиб
қолса, ўғрилигинг ҳақида ўзим гувоҳлик бераман.

Нурмат – Эй оми! Сен кўп алжирама.

Қодирали – Сен ҳали шуннақамисан? Шунча йиллар
ишончимда юриб, шундай ярамас ишлар
қилдингми? Демак, ўғитларни пуллаб, менинг
мулкимни қантариб юрган экансан-да? Қўшни
фермерликда ишлаётган, менинг ишчиларим
сенинг дастингдан қочиб кутилган экан-да? Вой,
ифлос-ей. Вой, жирканч-ей. Ишончим комил-ки,
ўтган йилги буғдой замбуруғи ҳам сени деб бўлган.
Ҳа! Булар ҳам майли. Бечора ошиқ йигитни йўлдан
уриб, қизимнинг номусини оёқости қилмоқчи
бўлганинг-чи? Йўқ, сен одаммасан. Сен гуноҳдан
кўрқкиш нималигини билмайсан. Сен худодан ҳам
кўрқмайсан. Сенинг ҳайвондан фарқинг йўқ. Сени
ўлдирганнинг косоми кўкаради. Сен
қилмишларингга жавоб берасан. Туф сенга!

*(Қодирали яқин бориб Нурматнинг юзига туфлайди. Нурмат
жирканиб, юзларини артади.)*

Нурмат – Ў-ў-в, сассиқ чол, ҳозир онангни учкўрғондан
кўрсатаман. Мана бу ҳужжатга кўлингни қўйсанг
қўй, бўлмаса, башарангга оёғимни қўйиб кетаман!

Қодирали – Оғзингга қараб гапир, ит!
Нурмат – Мана, ҳужжат. Агар қайтгунимча имзо қўймасанг ва Зебо айтган пулни ҳозирламасанг, қорадори сақланувчи хонадон сифатида мен сенларни судга бераман. Сенга бир соат муҳлат! Так что, ҳозирча ҳайр!

(Нурмат чиқади. Кетидан Равшан чиқади. Сукут. Қодирали худди шердек ўкиради. Саҳнага аланглаб Гулнора киради.)

Гулнора – Отажон!
(Ташқаридан Нурматнинг инграган овози эшитилади. Кичкина Давронжон ҳовлиқиб киради.)

Давронжон – Ташқарида Равшан акам ҳалиги кишини пичоқлаб қўйдилар.

(Даҳшатли мусиқа янграйди. Рустам ва Садоқат ташқарига югуради. Қодирали ўксиб-ўксиб йиғлайди. Равшан қўлида қонли пичоқ билан киради.)

Қодирали – Нима қилиб қўйдинг?
Равшан – Ортиқ чидолмадим, ота. Бунақаларнинг яшашга ҳаққи йўқ. Қанақа жазо бўлса, тайёрман.

(Сукут. Оғир мусиқа эшитилади. Икки фарзанд отасининг пойига тиз чўкади.)

Гулнора ва
Равшан – Отажон кечиринг бизни.
Қодирали – Болаларим, мен сизларни кечирганман. Лекин сизлар мени кечира олармикансизлар. Сизларнинг фарзандларингиз мени кечира олармикан? Ҳа, аёл ҳам она, ҳам ота бўлиши мумкин экан. Аммо эркак, ҳам ота, ҳам оналикни эплай олмас экан. Аёл бу оламнинг энг буюк кашфиёти экан. Бу уйлар, бу омборхоналар, бу тўкинлик бари-бариси учун, биз жуда кўп меҳнат қилганмиз. Унга қадар уюлган

хирмонга жала куйса, онангиз иккимиз соябон
бўлардик. Лой тепиб, хужралар курдик. Ўшанда
онангиз мен аёлман-ку, демади. Эркакдек ишлади.
Мен лой қордим, онангиз ғишт куйди. Мана шу
уйнинг хар бир ғиштида унинг нозик
бармоқларининг изилари бор. Болаларимнинг
онаси, мени кечир! Кўр кўзларим, ёнимдаги
душманни кўрмабди. Мени кечиринг, болаларим!
Она ерим сени обод қиламан дебман-у, кўнгил
бўстонимни барбод бўлишини ўйламабман. Она
замин, бизларни кечир! Ишонганинг хиёнат қилса,
меҳр берсанг қаҳр қайтса, фақатгина, моддий
бойликни бойлик, деб билсак, маънавий бойлик
унутилса, дунё парокандаликка учрамайдими?
Буни кеч бўлсада олдини олайлик! Буни ҳеч,
унутмайлик, болаларим!

(Қодирали ҳам тиз чўкади. Чироқ ўчади.)

П А Р Д А.